



ISHONCH

ОЛИЙ БАХТ

Газета 1991 йил
21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 6 май, шанба № 79-80 (2129)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Авваламбор, мана шу гўзал баҳор кунларида кўҳна ва саховатли Қашқадарё заминида жам бўлган сиз, азиз ўғил-қизларимни, сизларга омад тилаб турган устоз-мураббийлар, оналар ва ёру дўстларингизни «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бугун сизлар каби минг-минглаб ўқувчи ёшларимизнинг азму шижоати, очик чеҳрасига боқиб, барчамиз вақтнинг қандай шиддат билан ўтаётганини, кўз ўнгимизда янги бир авлоднинг тобора кучга тўлиб, сафимизга кириб бораётганини чуқур ҳис этамиз ва беихтиёр кўнглимизда, қалбимизда қувонч ва гурур туйғулари пайдо бўлади, мустақил ҳаёт кечираётган йилларимизда амалга оширган машаққатли меҳнатимиз зое кетмагани учун Яратганимизга шукроналар айтаемиз.

Айниқса, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида ўз билим ва истеъдодини, куч ва имкониятларини амалда намоён этиб, дастлабки умидбахш марраларни қўлга киритаётган навқирон фарзандларимизни кўриб, эртанги кунимизга ишончимиз янада мустаҳкамланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг навбатдаги мусобақалари Қашқа воҳасида, буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур туғилиб вояга етган қадимий заминда ўтаётгани алоҳида рамзий маънога эга.

Айнан мана шу табаррук масканда тарбия топган, билим олган бу улуг аждодимиз ўзининг бекиёс ақл-заковати, ноёб истеъдоди, юксак ҳарбий маҳорати, бунёдкорлик фазилатлари билан жаҳонга машҳур бўлган улкан салтанат бунёд қилиб, ўзбек номини улуглаган ва унинг шухратини бутун дунёга тараннум этган.

Шунинг учун ҳам буюк Амир Темур авлодлари бўлмиш сиз, юртимизнинг азиз фарзандлари бобомизнинг бизларга қарата айтган - биз киммиз, қандай улуг зотларнинг зурриёдимиз, бизнинг илдизларимиз нақадар чуқур, деган мазмундаги, бугун ҳам катта маъно ва ҳаётбахш кучга эга бўлган даъватини ҳеч қачон ҳеч қаерда унутмаслигингизни истардим.

Ва айни пайтда бу ҳикматли сўзлар сизларнинг орзу-ниятларингиз, интилиш ва ҳаракатларингизга қанот бериб, ўзгалар ҳавас қиладиган комил инсонлар бўлиб улғайишингизда доимо куч-қувват бахш этиши табиий, албатта.

Қашқадарё замини азал-азалдан кураги ерга тегмаган, мардлик ва ҳалолликни муқаддас ва олий қадрият деб биладиган ориятли полвонлари, довиюрак баҳодирлари билан ҳамиша шухрат қозониб келади.

Бугун сизларнинг барчангиз қалбингизда зўр ҳаяжон, зафар иштиёқи билан бел боғлаб майдонга тушар экансиз, бу мусобақалар халқи-

мизнинг том маънодаги умид ниҳоллари бўлган сиздек ёшларимиз учун катта синов ва шараф, шу билан бирга, улкан масъулият эканини, ўйлайманки, яхши англайсиз.

Азиз ўғил-қизларим!

Ҳозирги кунда юртимизда ёруғ келажакни ўйлаб, қатъият ва изчиллик билан амалга оширилаётган янгиланишлар, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасини тубдан ўзгартириш ва самарасини ошириш бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимиз авваламбор ягона бир мақсадни кўзда тутлади. У ҳам бўлса, миллионлаб фарзандларимизнинг замон талабларига жавоб берадиган, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган, янги қиёфа касб этиб бораётган мактабларда, илғор таълим стандартлари асосида, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитда билим ва тарбия олишини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги ва эртанги кунини белгилаб берадиган мана шу эзгу мақсад йўлида давлатимиз, жамиятимиз сиз, ёшлардан ҳеч нарсани - маблағ ва имкониятни ҳам, куч ва ҳаракатни ҳам асло аямайди.

Менинг даъватим - халқимизнинг ана шундай эътибори ва ғамхўрлигига ҳамиша муносиб бўлинг, жондан азиз Ватанимизни, унинг озодлиги ва мустақиллигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ҳимоя қилишга қодир фидойи, баркамол инсонлар бўлиб етишишга интилиб яшанг.

Унутмангки, ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз сизларга ишонади, сизларни биз бошлаган буюк ишларнинг давомчилари, ҳаётдаги ҳақиқий таянчимиз ва суянчимиз деб билади.

Ишбнчим комилки, қизғин беллашувлар, адолат, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтадиган, фарзандларимизнинг иродасини янада тоблашга, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу спорт ўйинлари ҳар бирингизнинг ҳаётингизда ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб мана шундай замонавий стадионлар, улкан спорт мажмуаларини барпо этган кўли гул қурувчилар, меъмор ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар, саховатли ҳомийларга, бутун Қашқадарё аҳлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги байрам, бугунги шодиёна билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, қалбингиздаги эзгу интилишларингиз рўёбга чиқишини тилайман.

Доимо омон бўлинг, бахт ва омад сизларга ҳамиша ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

Ислом ҚАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Микрокредитбанк»

акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яққа тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва қасаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, кишлок жойларда аҳоли кенг табақаларининг микроолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида:

1. «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки негизда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида;

иловага мувофиқ, унинг акциядорлари таркиби ва устав сармоясини кўпайтириш тўғрисида «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва тижорат банкларининг таклифларига розилик берилсин.

«Микрокредитбанк» «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банкининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан мулкӣ, молиявий ва бошқа

мажбуриятлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ҳамда ўз вақтида қайтарилишини кафолатлайдиган талабномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Микрокредитбанк»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжалиқларига ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришлари учун микрокредитлар бериш, кенг кўламдаги банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш;

(Давоми 2-бетда)

ТОШКЕНТЛИК ОНКОЛОГЛАРНИНГ НОЁБ ОПЕРАЦИЯСИ

Янгилик

Ўзбекистонда биринчи бўлиб инсон организмнинг умуртка поғонасидаги ўсма касаллиги устидан ноёб жарроҳлик операцияси ўтказилди. Тошкент шаҳар онкологик диспансери шифокорлари томонидан амалга оширилган бу янгилик мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида кейинги вақтда рўй берган энг муҳим воқеадир.



3-бет

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

9-бет

10-бет


... Бу инсонни илгари сиртдан билардим. Тўғриси, у ерда, бу ерда кўришганимизда шунчаки салом-алиқдан нарига ўтмасдик. Лекин драматик асарларидан хабардор эдим. Менга ёқарди. Качондир Машраб Бобоев билан ижодий ҳамкорлик қиламан, ҳеч бўлмаса, бирорта асарда рол ижро этаман, деган хаблда юрардим. Худо ёрлақаб бу истагим амалга ошди.

ИСМИ БИЛАН ТУФИЛГАН бетакрор ижодкор



ЭЗГУЛИК КЎКИДА УЧТАН ҚАЛДИРҒОЧ



4-бет



5-8-бетлар



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

микрокредитлар бериш ҳамда микролизинг йўли билан микрофирмалар, оилавий бизнес ва касаначилик ривожланишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳисобига тадбиркорлик соҳаси кенгайишига кўмаклашиши таъминлаш;

қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган бизнес-режани, унинг молиявий ҳолатини, кредитни тўлаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш манбаларини синчиклаб таҳлил этиш асосида микрокредитларнинг қайтарилишини таъминлаш;

микрокредит бериш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш;

айниқса, қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш.

3. Белгилансинки, «Микрокредитбанк» минтақавий, асосан қишлоқ жойлардаги филиаллари ва мини-банклари тизими орқали:

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитларни йилига 5 фоиздан юқори бўлмаган фоиз ставкасида, энг кам иш ҳақининг 200 каррагача миқдорида 18 ойгача бўлган муддатга;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдиришга микрокредитларни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 500 каррагача миқдорида 24 ойгача бўлган муддатга беради;

кичик бизнес субъектлари учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 200 каррагача миқдорида 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кўрсатади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун илгари олган микрокредитини ўз вақтида ва тўлиқ қайтарган ҳамда у бўйича қўшилган фоизларни тўлаган тадбиркорлик субъектлари бизнесни ривожлантиришга кейинги микрокредитларни олиш ҳамда «Микрокредитбанк» хизматларидан фойдаланиш учун устунлик ҳуқуқига эга бўладилар.

4. «Микрокредитбанк» микрокредитларни расмийлаштиришда бюрократизм ва расмиётчилик ҳолларига йўл қўймасин. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда қарз олувчи томонидан микрокредит олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати фақат:

микрокредит олишга буюртманома; бизнес-режа; микрокредит қайтарилиши таъминлашини тасдиқловчи ҳужжатлар билан чекланади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги муваққат низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қуйидагилар «Микрокредитбанк» ресурс базасини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

акциядорларнинг банк устав сармоясини шакллантиришга йўналтирадиган маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2007-2010 йиллар мобайнида Марказий банкнинг республика бюджети даромадига йўналтирадиган фойдаси ҳисобидан йиллик 2 фоиз ставка бўйича 10 йил муддатга 10 млрд.сўм миқдорига бериладиган ҳар йилги ссудалар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармасининг кредит линиялари.

6. Белгилансинки, микромолиялаштириш шартномалари, шунингдек, гаров, кафолат

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**
Тошкент шаҳри,
2006 йил 5 май

шартномалари ҳамда микромолиялаштириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни нотариал тасдиқлаш шартнома суммасининг 0,1 фоизи ставкаси бўйича амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

«Микрокредитбанк» филиалларининг Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасига киришини таъминласин ҳамда қарз олувчиларнинг кредит тарихи бўйича ўзининг маълумотлар базасини яратишда «Микрокредитбанк»ка ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда «Микрокредитбанк»ка кўмаклашсин.

8. «Микрокредитбанк» 2011 йилнинг 1 январигача:

даромад (фойда) ва мулк солиқлари тўлашдан; олиб келинадиган банк ускуналари ва технологиялари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириши учун йиғимлардан ташқари);

банк фойдасига ундирилган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

И.КАРИМОВ

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш Фонди ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик бўлган долзарб кўйидаги йўналишлардаги лойиҳаларни молиялаштириш учун танлов эълон қилади:

1. «Аёл ва унинг жамиятдаги мавқеини ошириш» дастури 2. «Ёшлар ташаббуси» дастури 3. «Тиббиёт ва ҳомийлик» дастури 4. «Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги» дастури 5. «Тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш» дастури 6. «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш» дастури 7. «Экология ва жамият» дастури.

Танловнинг мақсади фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, гуманитар, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа аҳамиятга молик муаммо ва вазифаларни ҳал этишда фуқароларнинг жамоатчилиги ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг дастур ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдир.

Бериладиган грантларнинг миқдори:

Кичик - 500 минг сўмдан 3 миллион сўмгача
Ўрта - 3 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача
Катта - 10 миллион сўмдан 15 миллион сўмгача

15.000.000 дан 25.000.000 сўмгача бўлган грантлар лойиҳанинг халқаро ташкилотлар, давлат идоралари ва тижорат ташкилотлари томонидан биргаликда молиялаштирилган тақдирда берилиши мумкин.

Танловда Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлимларидан рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг Миллий Ассоциацияга (ЎЗННТМА) аъзо бўлган ташкилотларгина иштирок этиши мумкин. Танлов шартлари бўйича янада тўлиқроқ маълумотлар ЎЗННТМА ва Фонднинг идораси ёки www.ngo.uz манзилидаги интернет саҳифасидан олинishi мумкин.

Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади.

Ҳужжатлар 2006 йил 10 июн соат 16.00 гача қабул қилинади.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш Фондининг мустақил экспертлар комиссияси манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш. Мовароуннахр кўчаси, 14. тел: 133-47-56; e-mail: grantngouz@mail.ru

КОРХОНА ЖАМОАСИНИНГ ҲИММАТИ

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг таъминотини яхшилашга, ногиронлар, ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада қўли очик тадбиркорлар, саховатпеша юртдошларимиз, ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Навий шаҳридаги «Қизилқумцемент» корхонаси жамоаси ҳам бу борада бошқаларга ўрнак кўрсатмоқда. Хусусан, яқинда «Бинокор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 15-мактаб кутубхонасига 1,2 миллион сўмлик дарслик ҳамда бадий китоблар олиб берилди.

Навий шаҳридаги «Электромеханика» ёпиқ акционерлик жамияти мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган йирик санноат корхоналаридан саналади. Бу корхона ўз йўналиши бўйича Марказий Осиё минтақасида етакчи ўрин тутади. Бу ерда тайёрланаётган доривор препаратлар хорижий мамлакатлар, жумладан, Афғонистон ва Тожикистонга ҳам жўнатилмоқда.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Корхонада маҳсулотлар турини кўпайтириш, ишлаб чиқариладиган препаратлар сифатини ошириш мақсадида техник цехлар реконструкция қилинди. Замонавий қадоқлаш ускуналари келтириб ўрнатилди, аналитик ускуналар босқичма-босқич янгиланмоқда. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган препаратлар тури 30 дан ошиб кетди. Уларнинг катта қисми Швейцария, Германия, АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Россия, Дания каби давлатлар лицензияси билан савдога чиқариляпти.

Заводимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги учун зарур доривор воситалардир, дейди корхона раҳбари Замир Муфтахутдинов. - Шунинг учун савдо ни қишлоқ хўжалик дорихонаси деб аташади. Бугунги кунда пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш учун тўққиз хилдаги гербицид, 19 хил инсектоакарицид ва беш хил дорилловчи восита етказиб берилмоқда. Булар чигитни дориллаш, бегона ўтлар ва зараркунандаларни йўқотишда, пахтани дефолиация қилишда катта фойда беради. Корхонада бўш қувватлар ҳисобидан йодланган ош тузи, этилацетат сульфид натрий ҳам ишлаб чиқарила бошлади.

иззат-икромдан бошим осмонга етди.

Клавдия Меньшикова, 76 ёшда: соғлигим, кайфиятим яхши. Ушбу тадбир мени гўё ёшартириб юборгандек бўлди. Табиийки, икки оғиз ширин ва самимий сўз киши кўнглини

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ киши кўнглини тоғдек кўтариб юборади

Азалдан кексаларнинг йўқлаб, уларнинг дуосини олиш савобли ишлардан ҳисобланади. Бу удум ҳаётимизга фойду тароват бағишлаб, қадриятларимизни тиклаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан бундай саховатли тадбирлар республикамизнинг ҳар бир маҳалла, корхона, ташкилот ҳамда муассасасида бўлиб ўтмоқда.

Бундай савобли ишлардан касабани уюшма ташкилотлари ҳам четда туришгани йўқ. Хусусан, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси кенгаши, пойтахт ҳокимлиги ҳамда Тошкент шаҳар касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳам ана шундай хайрли ишга қўл уришди. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатидаги кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, уларни байрам билан муборакбод этишди.

Мазкур пансионатда 180 нафар фахрийлар истиқомат

қилишмоқда. Шифокорлар кексалар атрофида парвона. Уларнинг соғлиқларини тиклаш ҳамда етарлича ғамхўрлик кўрсатиш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда.

Тадбирда «Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамияти маданият саройининг бадий жамоалари ҳам иштирок этишди. Улар ижросидаги куй ва қўшиқлар барчага яхши кайфият улашди. Тадбирда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Элёр Ёқубов иштирок этди.



Маҳмуд Азимов, 81 ёшда: Шайхонтохур туманидаги «Чархновза» маҳалласиданман. Биз кексаларга кўрсатилган бундай

тоғдек кўтариб юборади. Ўзимни тетик, бардам ҳис қиламан.

**Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири**

(ЎЗА)



Бугун тиббиётда амалга оширилаётган бекиёс ишлар ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ. Эл соғлигини муҳофаза қилишдек олий мақсадлар соҳани янада ривожлантириш билан бирга, уни жаҳон андозалари талаблари даражасига етказишга ҳам йўл очмоқда. Яратилаётган қулай имконият ва шароитлар, олиб борилаётган кенг қамровли изланишлар тармоқнинг эртанги истиқболга хизмат қилапти. Ана шундай қутлуғ ишларга бекиёс улуш қўшаётган тиббиёт муассасалари орасида ўз жамоаларининг ҳам борлиги диспансер шифокорларига янги куч-ғайрат ва шижоат бағишламоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, мазкур тиббиёт масканида кейинги йилларда соҳанинг раванга хизмат қилувчи қатор тажрибалар юзага келди. Беморларга юқори даражада тиббий хизмат кўрсатаётган, даволашнинг замонавий услубларини ўз фаолиятларига чуқур татбиқ этаётган мутахассисларнинг малакаси, касбий маҳоратлари тобора ошиб бормоқда. Ҳозир диспансердаги қайси бир ходим ёки мутахассис билан гаплашманг, ўзлари эришаётган ютуқларда жамоанинг куюнчак раҳбари, моҳир ташкилотчи ва жарроҳ, тиббиёт фанлари доктори Голиб Ҳақимовнинг ўзига яраша улуши борлигини алоҳида мамнуният билан эътироф этишади. Бу бежиз эмас. Икки йил аввал мазкур тиббиёт масканига бош шифокор этиб тайинланган бу иқтидорли жарроҳ, изланувчан олим кўпчиликнинг айни кўнглидаги ишларни амалга ошириб, эл меҳрини қозонди.

Бу ишларнинг самараси аввало нималарда кўзга ташланади?

Биринчидан, онкологик хасталикларни даволашда дунё бўйича тўпланган илғор тажрибалар ва замонавий иш услубларига кенг ўрин бериллаётганида. Иккинчидан, мазкур соҳани йил сайин ривожлантириб бораётган россиялик мутахассислар билан яқин алоқа ва амалий ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилганида. Учинчидан, шифокору мутахассисларнинг малака ва

маҳоратлари ортиб, иш салоҳияти кучайиб бораётганлигида намоён бўлади. Ана шу жўшқин меҳнат ва саъй-ҳаракатлар эвазига бугун диспансер жамоаси қатор кўрсаткичлар бўйича мамлакатимизда тармоқнинг пешқадамига айланди. Шифокорларнинг обрў-эътибори юксалди.

Диспансерда асосан Тошкент шаҳри аҳолиси ва республикамизнинг турли ҳудудларидан бу ерга мурожаат этиб келган беморлар даволашади. Уларга махсус малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, 225 ўринга мўлжалланган мазкур тиббиёт масканида 11та бўлим мавжуд. Шундан олтитаси турли йўналишдаги жарроҳликни бе-

Янгилик

бўларди, - дейди у. — Касаллик асорати туфайли содир бўлган ўзгаришларни бартавраф этиш учун бош шифокоримиз Голиб Ҳақимов раҳбарлигида анестезолог врач Людмила Михеева, Дониёр Исҳоқов ва Улугбек Эсонтурдиев каби малакали жарроҳларимиз биргаликда иш олиб бориб, мамлакатимизда илк бор мазкур жарроҳлик операциясини амалга оширдик. Бу янгилик умуртқа поғонасининг касалликка чалинган қисмини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаб, беморни даволашга ва

ғонага кўтармоқда. Ҳозир Москвадаги бу илмий масканда ўзбекистонлик яна беш нафар ёш олим таҳсил олаёпти. Уларнинг ҳар бири ўз йўналишларига ва мақсадларига эга, Ватанимизнинг тиббиёт соҳаси учун сидқидилдан хизмат кўрсатишга қодир ёшлардир. Икки давлат ўртасидаги самимий муносабат, ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик алоқаларининг тобора юқори босқичга кўтарилиб бораётганлиги қатор соҳалар каби тиббиёт тизимида ҳам ўзининг бой самарасини бермоқда. Ўз навбатида икки яқин ҳамкор, ҳамфикр жамоанинг эришган ютуқлари, бой амалий тажрибалари оммалаштирилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар онкологик диспансери бош шифо-

ТОШКЕНТЛИК ОНКОЛОГЛАРНИНГ НОЁБ ОПЕРАЦИЯСИ

Ўзбекистонда биринчи бўлиб инсон организмнинг умуртқа поғонасидаги ўсма касаллиги устидан ноёб жарроҳлик операцияси ўтказилди. Тошкент шаҳар онкологик диспансери шифокорлари томонидан амалга оширилган бу янгилик мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида кейинги вақтда рўй берган энг муҳим воқеадир. Улар эришган бу ютуқда жамоанинг кўп йиллик унумли меҳнатию олиб борган бой илмий изланишлари самараси муҳассам.



восита амалга оширади.

11 та Диспансер қошида ишлаб турган поликлиникада ҳар куни юзлаб беморлар дастлабки тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга ташхис қўйилмоқда. Консултатив маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилаяпти. Жамоада ишлаётган 350 нафар ходимнинг 96 нафари олий маълумотли, юқори малакали шифокорлардир. Уларнинг тиббий муолажалари билан бирга очиқ чехраси, ширин сўзи, илқ ва самимий муносабати беморларга мадад ва қувват бағишляпти.

Улуғ мақсадлар сари дадил бораётган шифокорларнинг янгиликка ўчилиги, соҳани ривожлантириш йўлидаги тинимсиз изланишлари, россиялик ҳамкорлар билан яқин алоқалари қувончли натижаларни бермоқда. Зеро, Ўзбекистонда биринчи бўлиб улар ўтказган ноёб жарроҳлик операциясининг муваффақияти ҳам бевосита шу саъй-ҳаракатларнинг амалий натижалари билан боғлиқ.

Бу ўзи қандай операция? Тошкентлик онкологлар унга қандай эришдилар? Ана шундай саволлар билан диспансернинг операция ва стерилизация бўлими бошлиғи Умид Ниёзалиева юзландик.

— Ҳозиргача умуртқа поғонасида ўсмаси бўлган беморлар потоморфологик ташхис қилинмасдан, яъни, нур терапия билан даволанишар эди. Ўз навбатида эришилган натижалар ҳам шунга монанд

оёққа туриб кетишига имконият яратади. Касалликни инсон организмнинг бошқа аъзоларига тарқалиш хавфининг олди олинади.

34 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган мазкур диспансер жамоасининг ҳаётида ҳали бунақа ноёб операция бўлмаган. Бир эмас икки бемор шундай замонавий муолажалардан сўнг ўзини ўнглаб, ҳозир оёққа турмоқда.

Янгилик қандай пайдо бўлди? Табиийки бу савол ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Диспансер жамоаси 8 йилдан бери Москвадаги Н.Н.Блохин номли онкологик илмий марказ билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Яна бир гап: нафақат диспансер балки, Ўзбекистоннинг онкологик тизимлари учун ҳам илмий марказнинг амалий ёрдами катта бўлмоқда. Россиядаги бу машҳур тиббий илмий муассаса мана бир неча йилдирки мамлакатимизга кучли онколог мутахассисларни тайёрлаб бераёпти. Жумладан, Тошкент шаҳри ва вилояти онкологик марказлари бош шифокорлари Голиб Ҳақимов билан Абдулла Абдуҳақимов, тиббиёт фанлари докторлари Фофур Охунов, Шухрат Муҳаммадинов сингари ўнлаб мутахассислар шу марказнинг талабалари ҳисобланишади. Илмий ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларнинг тобора кенг илдиз отиши онкологлар ўртасидаги яқин алоқани янги по-

кори Голиб Абдуллаевичнинг илтимоси билан Н.Н.Блохин номли Россия онкологик илмий марказининг маммология бўлимида илмий тадқиқотлар олиб бораётган ёш истеъдодли олим Азиз Зиқиряхўжаев Тошкентга келди. Ҳамкорликдаги бу ишчан жамоада бўлиб, ҳамкасбларининг фаолияти билан яқиндан танишди. Соҳа мутахассислари учун кўргазмали семинар ўтказди, жарроҳлик операцияларида қатнашди.

— Сафардан кўзланган асосий мақсад мазкур диспансерда йўлга қўйилган маммологик хизмат билан яқиндан танишиб, мутахассислар билан мулоқотлар олиб бориш, дунё миқёсида шу соҳада рўй бераётган янгиликлар, эришилган сўнги ютуқлар билан уларни таништиришдан иборат эди, - дейди биз билан суҳбатда Азиз Зиқиряхўжаев. — Аёллар кўкрак беши хавфсиз ва хавфли ўсмалари кейинги пайтда кенг тарқалаётган касалликларнинг бирига айланди. У нафақат Ўзбекистон, балки кўплаб хорижий давлатлар аҳолиси учун ҳам долзарб масала бўлиб қолган. Аёллар ўлими даражаси бўйича мазкур соҳа юрак-қон томир касалликлари ва бахтсиз ҳодисалардан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Мавзуга доир икки қисмли маърузам билан тошкентлик ҳамкасбларим даврасида чиқиш қилиб, уларга бу касалликни даволаш омиллари ҳақида ҳикоя қилиб бердим.



Айни пайтда диспансер фаолияти билан ҳам яқиндан танишиб, бу ерда йўлга қўйилган илмий ва амалий ишлардан бағоят таъсирландим.

Булардан ташқари шифоҳонада ўпка, қизилўнғач, ошқозон, жигар, йўғон ичак, тўғри ичак, буйрак, сийдик пуфағи, юшоқ тўқима, суяк, гнекологик органлари саратон билан оғриган беморларни катта ҳажмли жарроҳлик усуллари билан даволаш жаҳон андозалари даражасида намунали йўлга қўйилган. Бугун биз кичик бир жамоанинг мустақилликнинг кейинги йилларида амалга оширган катта ишларига гувоҳ бўлдик. Тошкентлик онкологлар эришадиган кўплаб ютуқлар ҳали олдинда. Уларнинг ўтқир салоҳиятию иқтидори кўп нарсаларга етади. Бу ҳақда биз бош шифокор билан анча суҳбатлашдик. Узоқ давом этган жарроҳлик операциясидан толиқиб чиққанига қарамай Голиб Абдуллаевич ўзини тетик тутар, чехрасидан ҳар доимгидек нур ёғилиб турарди. Ахир бугун яна бир оғир бемор ҳаётга қайтди. Умрига-умр қўшилди.

Жамоанинг имкониятлари кенг. Онкологик диспансер замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозлангандиса, бу ерда эришилаётган ютуқларнинг қўлами янада кенгайди...

Биз энди хайрлашмоқчи бўлиб турган пайтда эшик оҳиста очилиб, бир онахон киришга изн сўради.

— Келинг, келаверинг, - деди уни илиқ қарши олган бош шифокор.


— Сизларга раҳмат айтгани келдим, - деди онахон тилларидан бол томиб. — Шифокорларнинг муолажаларидан сўнг кизим ўзини анча яхши ҳис этапти. Барака топинглар.

— Бу бизнинг бурчимиз, - деди Голиб Абдуллаевич онахонни кузатиб қўяр экан.

Зеро, бу оддий бурч эмас, шифокорларнинг чин инсонийлик бурчи эди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ишонч» муҳбири
Суратларда: онкологик марказнинг бугунги фаолиятдан лавҳалар.

Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар



Қарши шаҳрида «Умид ниҳоллари-2006» мусобақаларининг финал босқичи бошланди

Мамлакатимизда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг уч босқичдан иборат узлуксиз тизими жорий этилганлиги ёш авлодни маънан етук, жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш, соғлом авлодни камол топтиришнинг муҳим воситасидир. «Умид ниҳоллари-2006» мусобақаларининг Қарши шаҳрида ўтказилаётган республика финал босқичи катта спорт байрамига айланди.

Бобоқўёш гарб уфқида бош кўймоқда. Инсоният тамаддунининг кўхна маконларидан бўлган қадимий ва навқирон Насаф ўзгача чирой ва нафосат касб этди.

Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи, зилол сувли кўллар мажмуаси, минглаб фавворалар самодига юлдузлар билан бахслашиб, камалакдек жилланади. Истиқлол шуқудан баҳраманд Қашқадарё байрам оғушида. Ёшлик, камолот, гўзаллик, эпчиллик ва чақонлик кўриги «Умид ниҳоллари»нинг республика беллашувлари ўзига хос тантананага айланди. Қашқа воҳасини улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, буюк жаҳонгир Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги юбилеи олдидан вилоят марказида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ойдин кўчалар, анвоий гулларга тўла хиёбон, стадион ва ўйингоҳлар, ҳашаматли иморатлар пештоқидаги ранго ранг байроқлар кўкдам шамолида хилпирайди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ўтказилган салкам 20 минг томошабинга мўлжалланган стадион 18.5 гектар майдонни эгаллайди. Шундан 5.5 гектарини ям-яшил майсазорлар қопла-



ЭЗГУЛИК КЎКИДА УЧТАН ҚАЛДИРҒОЧ



ган. Бешта мини футбол майдонлари бор.

Уларнинг бари жаҳон андозалари асосида қурилган, ФИФА талабларига тўлиқ жавоб беради. Ўриндиқлар ўзимизнинг «Совпластитал» корхонасида тайёрланган. Югуриш йўлакларига тўшалган қопламалар Германиядан келтирилган.

Республика Халқ таълими вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари мусобақа қатнашчиларини ташкилий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган ҳолда кутиб олдилар. Беллашувлар ўтказиладиган майдонлар ва спорт заллари барвақт ҳозирлаб қўйилди. Меҳмонлар ётоқхоналарга жойлаштирилиб, улар учун ҳамма шароитлар яратилган. Мусобақаларни ўтказишнинг аниқ режалари тузиб чиқилиб, амалга ошириляпти. Бу йилги ёшлар баҳсига 2436 нафар спортчи, 238 нафар мураббий, 196 нафар ҳакам таширф буюрди. Болаларнинг руҳи тетик, кайфияти баланд, ғайрати жўш урган.

Байрамона безатилган «Умид» ўйингоҳида мусобақаларнинг тантанали очи-




лиш маросими ўтказилди. «Кичик олимпиада» машъаласи Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида кўёш нурлари ёрдамида ёндирилди. 731 километр йўл босилиб, Паркент-Тошкент-Гулистон-Жиззах-Самарқанд-Чироқчи-Шаҳрисабз-Ғуздор-Қарши йўналиши орқали ўйингоҳга олиб келинди. Машъалани мамлакатимизнинг таниқли спортчилари, самбо бўйича беш карра Ўзбекистон чемпиони Бехзод Сатторов, дзюдо бўйича уч марта республика чемпиони Хуршида Бабашевлар ёқдилар.

Меҳмонлар ва томошабинлар баралла овоз билан Ўзбекистон Давлат маданиятини ижро этдилар. Стадион узра ёш спортчилар шахдам қадамлар билан ўтдилар. Ҳар хил акробатик машқлар бажарилди. Самога тинчлик қушлари — кабутарлар парвоз қилди.

Жисмоний тарбия ва спорт мамлакатимиз миллий мустақиллик ғоясининг таркибий қисмидир. Президентимиз ва ҳукуватимиз томонидан ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлиги ва биргина жорий йилнинг биринчи чорагида спорт тараққиёти учун 8,6 миллиард сўм маблағ ажратилганлиги, 866,8 минг доллар миқдорида чет эл инвестицияси жалб этилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган сўзлари мантиқан ҳар бир ўзбек оиласининг мақсад ва манфаатларидан келиб чиққан. Ҳақиқатан ҳам эртанги кунимиз, миллатимизнинг ке-

лажаги авваламбор фарзандларимизнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол вояга етишига боғлиқ. Юртимизнинг ҳамма бурчақларида бўлгани каби Қашқадарёда ҳам соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг кенг табақаларини, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан узлуксиз шуғулланиши учун уларни жалб этишга алоҳида аҳамият қаратилган. Спорт ва дўстлик байрамини қаршиликлар янгидан чирой очган «Насаф», «Геолог» спорт мажмуалари, теннис корти, ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, ўнга яқин спорт-соғломлаштириш иншоотлари, 20 минг ўринли стадион, янги замонавий типда қурилган Олимпия заҳиралари колледжиде кутиб олдилар. «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг Хоразмда ўтказилган республика босқичида эстафета қашқадарёликларга топширилган эди. Республика босқичида иштирок этиш учун қатнашчиларнинг 2002 нафари йўлланмани кўлга киритди. 12 та спорт тури бўйича бахслашаётган ўқувчиларнинг 1162 нафари ўғил ва 840 нафари киз болалардир.



пиони, спорт усталигига номзод Сарвиноз Қурбонбоева, Алпомиш юртдан келган ёш курашчилар Аҳрор Мадаминов, Алишер Раҳимов, Фарғона шаҳридаги 11-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, енгил атлетикачи Марина Хмельская каби ёшлик ғайрати жўш уриб турган ўқувчилар беллашувларда ғолибликни эгаллашга қатъий аҳд қилишган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов Юртбошимизнинг «Умид ниҳоллари-2006» мусобақалари финал босқич қатнашчиларига табригини ўқиб эшиттирганида қалблар жунбушга келди, ўйингоҳда ҳозир бўлган ҳар бири киши бениҳоя тўлқинланиб, юрагида она юртидан, ғамхўр давлат раҳбаридан фахрланиш ҳисларини туйди.

Республика ёш санъаткорлари ва Қашқадарё мактаб ўқувчиларининг катта тантананага бағишланган театрлаштирилган дастурлари йиғилганларда бекиёс катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳомжон Фармонов, Маҳмуд Намозов, «Ниҳол» мукотиби лауреати Дилноза Исмиямина, Гулсанам Мамазоитова, хушовоз хонандалар Адҳамжон Солиев, Ҳулкархон Абдуллаева ва бошқа таниқли эстрада юлдузларининг чиқишлари байрамга ўзгача жозиба бағишлади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳеч бир нарса мамлакатни спортчилик дунёга машҳур қила олмайди. Ўзбекистон куч-қудрати, салоҳиятини белгилловчи ёшларимизнинг жисмонан соғлом, ақлан етук камол топиши халқимизнинг дунё ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини оширади. Қаршида бошланган «Умид ниҳоллари» мусобақалари янги-янги иқтидор эгалларини кашф

Биз ўйингоҳда бир гуруҳ хоразмлик ўқувчиларни учратдик. Ҳассос шоир, кураги ерга тегмаган машҳур курашчи Паҳлавон Маҳмуд диёридан келган йигит-қизларнинг қувончи бир олам. Улар орасида Италияда ўтказилган каратэ бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати қатнашчиси Нигора Жуманиёзова, республика «Спорт маликаси» танлови иштирокчиси, волейболчи Қундуз Мадраҳимова, умуммамлакат югуриш марафони совриндори, «Сув париси» халқаро мусобақаси ғолибаси Светлана Каримова ва яна ўнлаб иқтидорли спортчилар бор.

Шарқ дарвозаси ҳисобланган Тошкент шаҳридан келган ёш спортчилар Нурсултон Умрғазин, Искандар Ҳасанов, Юлдуз Жабборов, Умид Хайруллаев, Мария Авдюшовалар турли миллат вакиллари даврасида эдилар. Шаҳардаги 301-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Сергей Панков спортнинг сузиш тури бўйича катта тажриба орттирган.

12 ёшли Мафтуна Тўхтасинова сузиш бўйича беш карра республика чемпиони, бир қатор халқаро мусобақалар ғолиби. Мамлакат чемпионатида сузишнинг



тўрт тури бўйича олтин медалларни кўлга киритган иқтидорли спортчи Шоҳрух Юнусов 14 ёшида спорт устаси деган номни олишга сазовор бўлган. У Малайзия, Австрия давлатларида ўтказилган мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган. Гўзал Андихоннинг умид юлдузлари саналган ҳар иккала истеъдод соҳиби мусобақаларга катта умид билан келган.

Бухоролик гимнастикачилар Сарвина Ҳалинова, Азиза Жўраева, жиззахлик волейболчи Ҳабиб Сайфуллаев, таниқли шоҳмотчи Юлдуз Ҳамроқулова, Навоий вилояти Навбахор туманидаги Амир Темур номли мактаб ўқувчиси, енгил атлетикачи Шерзод Тоғаев, наманганлик ёш полвон, республика чемпиони Ҳикматжон Асқаров, Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 9-мактаб ўқувчиси, шоҳмот бўйича Ўзбекистон чем-

етишига шак-шубҳа йўқ.

Яна бир гап: ушбу мусобақалар тарихида илк маротаба Президент совғаси сифатида 2 та «Нексия» ва 3 та «Дамас» автомобили ғолиб жамоаларга топширилади. Шу билан бирга шахсий биринчиликда олтин медалга сазовор бўлиши кутиляётган 202 нафар чемпион ўқувчи спорт велосипеди билан мукофотланади.

Дўстлик, бирдамлик, чақонлик кўриги бўлган мактаб ўқувчиларининг республика беллашувлари қизгин давом этмоқда. Жуссасидан куч-ғайрат ёғилиб турган, келажакка ишончи мустаҳкам болаларни эзгулик оламидаги қалдирғочларга менгзаш мумкин.

**Иzzат ҲИКМАТОВ,
Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч»нинг махсус
мухбирлари**

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИСИДА ЕТТИ КУН



ДУШАНБА, 8

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Тахлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Заминдаги буюк томошалар».
9.55 «Сизнинг адвокатингиз».
10.00 «Семурғ» Бадий фильм.
11.10 Олтин мерос.
11.20 Хотира ва кадрлаш кунни олдида. «Кўш фарзанди - Спитамен». Х. Олимжон номидаги Самарқанд вилоят давлат драма ва мусикий театрининг спектакли.
12.15 «Кўш фарзанди - Спитамен». Спектакль. 2-қисм.
13.10 Эски альбом.
13.15 «Ўзбегим ўғлонлари». 1-қисм.
14.20 «Ўзбегим ўғлонлари». 2-қисм.
15.20 «Солдат ҳақида кисса». Бадий фильм.
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳамон ёдимдасиз». Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева куйлайди.
18.00 Хотира ва кадрлаш кунни олдида. «Умр дафтари». Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувқов. 1-қисм.
18.20 «Оханглар оғушида».
18.30 Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 6-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «Омон бўлинг!».
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Умид ниҳоллари-2006». Спорт мусобақаларининг тантанали ёпилишига бағишланган бадий-спорт байрами. Қарши шаҳридан олиб кўрсатилади.
23.30 «Ёдгор». Бадий фильм.

YOSHLAR

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Болалар экран: Яхши ишлар бюроси.
8.25 «Кўк қуш». Бадий фильм.
10.00 «Давр» ҳафта ичида.
10.40 Ватанпарвар.
11.40 Кино SMS.
11.45 «Меҳрибонлик». Бадий фильм.
13.00 Давр.
13.10 Мусикий лаҳза.
13.20 «Алломиш». Бадий фильм 1-2 қисмлар.
16.00 Давр.
16.15 Мусикий лаҳзалар.
16.25 Ешлар овози.
16.45 «Ўзбекино». Миллий агентлиги намоиши этади:
«Дурдона». Хужжатли фильм.
17.05 «Тоҳир ва Зухра». Бадий фильм.
18.35 Ешлар наволари.
18.45 UzEX хабарлари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 UzEX хабарлари (рус тилида)
19.45 Ракурс.
20.00 Спорт-лото.
20.10 «Паловхонтўра!»
21.10 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
21.20 Мусикий лаҳза.
21.25 Хотира ва кадрлаш кунига: «Такдир».
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Мусикий лаҳзалар.
22.50 Интерфутбол.

TOSHKENT

18.20, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Пойтахт» /рус/.
18.55 «Болажонлар экранни».
19.10 «Бир жуфт аския».
19.15 «Табриқлаймиз- кутлаймиз».
19.45 «2006 йил-Ҳомийлар ва шифокорлар йили»:
«Саломат бўлинг» (рус)
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Камила».
20.45, 22.15 «Телекуррьер маркет».
20.55 «ТВ юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.25 «Журналист таҳлили».
21.50 Хотира ва кадрлаш кунни олдида: «Тоғлар куйчиси».
Ориф Одилхонов.
22.25 «Катта истеъдод». Бадий фильм (рус)

TOSHKENT

18.20, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Пойтахт» /рус/.
18.55 «Болажонлар экранни».
19.10 «Бир жуфт аския».
19.15 «Табриқлаймиз- кутлаймиз».
19.45 «2006 йил-Ҳомийлар ва шифокорлар йили»:
«Саломат бўлинг» (рус)
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Камила».
20.45, 22.15 «Телекуррьер маркет».
20.55 «ТВ юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.25 «Журналист таҳлили».
21.50 Хотира ва кадрлаш кунни олдида: «Тоғлар куйчиси».
Ориф Одилхонов.
22.25 «Катта истеъдод». Бадий фильм (рус)

SPORT-TV

8.00 «Версия».
8.30 «Шоввозлар». Мультсериал.
9.00 «Талкин».
9.30 Дзюдо. Жаҳон суперкубоги.
10.10 «Умид ниҳоллари-2006». Спорт мусобақаларидан репортаж.
11.40- 13.10 «Ташкент - город хлебный». Худ. фильм.
18.00 «Умид ниҳоллари-2006». Спорт мусобақаларининг тантанали ёпилишига бағишланган бадий-спорт байрами.
Қарши шаҳридан олиб кўрсатилади.
19.30 «Хабарлар» (рус тилида).
19.50 «Гули». Хуж. фильм («Ўзбектелефильм»)
20.00 «Вести».
20.10 Цирк Хунан-203.
21.10 «Футбол шархи».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Ты есть». Худ. фильм.
23.20 «Проф-РИНГ».
00.10 Еврофутбол. Англия чемпионати. «Ньюкасл» - «Челси».

30-Й КАНАЛ

17.00 Х/Ф «Ловушка для родителей»
17.40 «Мусикий лаҳзалар»
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Тараққийёт-ТВ такдим этади. «Илдишлар ва япроқлар»
19.00 «Ошиқона», мусикий дастури
19.45 «Телехамкор» - фойдали газета
20.00 «Мусикий табассум»
21.00 «София, менга имкон бер», сериал
21.45 «Телехамкор» фойдали газета
21.55 «Мусикий табассум»
22.25 «Ижтимоий лойиҳалари»
22.30 «Қашқирлар макони», сериал
23.10 «Эстрада оханглари»

ПЕРВЫЙ

5.00, 9.00, 11.00, 14.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой».
5.30 Фильм «Сильные духом».
7.20 Служу Отчизне!
7.50 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
8.20 «Умницы и умники»
9.10 Пока все дома
10.00 «Огненное пике». Док. фильм
11.10 Боевая комедия «Крепкий орешек»
12.40 Иосиф Кобзон. «Письма с фронта»
14.10 Фильм «Путь в Сатурн»
15.40 Фильм «Конец Сатурна»
17.30 «Поклонимся великим тем годам...» Концерт
20.00 Время
20.20 Фильм «Перед рассветом»
21.50 Концерт Александра Розенбаума
23.30 Фильм «Бой после победы»
02.20 Фильм «Черная береза».

РОССИЯ

5.00 Фильм Григория Чухрая «Баллада о солдате».
6.25 «Здоровье».
6.35 «Сельский час».
7.00, 10.00, 13.00, 16.00, 22.00 Вести.
7.10, 10.10 Местное время. Вести-Москва.
7.20 «Русское лото». Результаты розыгрыша.
7.30 «Иван Царевич и серый волк». Мультфильм.
8.00 Фильм «Отряд особого назначения».
9.30 «Утренняя почта».
10.20 «Нюрнберг. Последняя схватка».
11.15 Юбилейный концерт Олега Митяева
13.20 «Фитиль №85».
14.05 «Великолепная восьмерка».
14.50 «В Городке».
15.00, 16.10 Фильм «Судьба».
18.25 Олег Табаков в комедии «Дополнительное время».
20.05 «Смешной день рождения».
22.10 «Дрезден. Хроника трагедии».
22.40 Мэттью МакКонахи в фильме «Сахар»
01.05 Фильм «Судьба человека».
03.10 Татьяна Самойлова в фильме «Летят журавли».

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 Русские мультфильмы.
8.30 Русские мультфильмы.
9.00 Русские мультфильмы.
9.30 Русские мультфильмы.
10.00 Русские мультфильмы.
10.30 Русские мультфильмы.
11.00 Художественный фильм «СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНЫ». 5-я серия.
12.30 Художественный фильм «СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНЫ». 6-я серия.
14.00 Русские мультфильмы.
14.30 Вспоминаю ту весну...
16.25 Художественный фильм «СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНЫ». 8-я серия.
17.45 Вспоминаю ту весну...
17.55 Сериал «ШПИОНКА». 1-я серия.
19.00 Сериал «ШПИОНКА». 2-я серия.
20.00 Сериал «ШПИОНКА». 3-я серия.
21.00 Сериал «ШПИОНКА». 4-я серия.
22.00 Сериал «ШПИОНКА». 5-я серия.
23.00 Сериал «ШПИОНКА». 6-я серия.
0.00 Сериал «ШПИОНКА». 7-я серия.
1.00 Сериал «ШПИОНКА». 8-я серия.
2.00 Художественный фильм «U-429: ПОДВОДНАЯ ТЮРЬМА». США, 2004.
4.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА». 115-я серия.

4.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА». 115-я серия.
7.00 Фильмы производства BBC. «Война века»: «Большие надежды», «Они селяли ужас».
8.50 «Биби Блоксберг». Многосерийный мультпликационный фильм.
9.20 «Смешарики». Многосерийный мультпликационный фильм.
9.30 «Флиппер и Лопака». Многосерийный мультпликационный фильм.
10.00 «Аладдин». Многосерийный мультпликационный фильм. 2 серии.
11.00 Кино на СТС. «СОБАЧИЙ СЕКРЕТ».
12.55 Кино на СТС. «ПОБЕЖДАЯ ЛОНДОН».
14.55 Кино на СТС. «БЕШЕНЫЕ СКАЧКИ».
17.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.
17.30 «КАДЕТЫ». Художественный фильм.
22.00 Кино на СТС. «ЖИРДЯИ».
0.05 «6 кадров». Юмористическое скетч-шоу.
0.35 Кино на СТС. «ЖИВЫЕ».
3.15 Кино на СТС. «ПОЛНАЯ ПРОТИВОПОЛОЖНОСТЬ».
4.55 Кино на СТС. «БРОШЕННЫЙ».
6.15 Музыка на СТС.

СТС

5.00 Мультфильм «Дюймовочка»
5.30 Фильм «Жди меня»
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня»
7.20 Сериал «Семнадцать мгновений весны»
9.20 Сериал «Семнадцать мгновений весны»
12.20 Сериал «Семнадцать мгновений весны»
15.20 «Великая Отечественная. Победа»
16.20 Сериал «Семнадцать мгновений весны»
18.35 Игорь Лифанов в фильме «Последний бой майора Пугачева»
22.50 Кейт Уинслет в фильме «Код «Энигма»»
01.10 Гэри Бьюзи в боевике «Глаз тигра»
02.50 Сериал «Карнавал»
03.40 Сериал «Холм одного дерева»

НТВ

8.15 «Дикая планета»: «Страна тигров». Документальный фильм (Англия).
9.15 «Дуг». Мультпликационный сериал (США).
9.40 «Jetix» на REN TV: «Близняшки-пятерняшки». Мультпликационный сериал (США).
10.05 «Геркулес». Мультпликационный сериал (США).
10.30 «Симпсоны». Мультпликационная серия (США).
12.05 Без тормозов.
12.40 Проверено на себе.
13.50 Военная тайна.
14.30 «ПОДКИДНОЙ». Телесериал. 1-я и 2-я серии.
17.00 «Подниматель пингвинов». Концерт М. Задорнова.
20.00 «ЗОЛУШКА В САПОГАХ». Телесериал.
21.25 «Кино»: Стив Мартин, Клер Дэйнс, Джейсон Шварцман в комедийной мелодраме «ПРОДАВЩИЦА» (США - Англия).
23.50 «Кино»: Джеки Чан в комедийном боевике «ПОЛИЦЕЙСКАЯ ИСТОРИЯ» (Гонконг).
1.55 «Эвакуация». Документальный фильм.
2.40 «Кино»: Сара Поли, Стивен Ри в мелодраме «ГВИНЕВЕРА» (США).
4.20 Ночной музыкальный канал.
5.10 «Дикая планета»: «Страна тигров». Документальный фильм (Англия).

REN-TV

8.15 «Дикая планета»: «Страна тигров». Документальный фильм (Англия).
9.15 «Дуг». Мультпликационный сериал (США).
9.40 «Jetix» на REN TV: «Близняшки-пятерняшки». Мультпликационный сериал (США).
10.05 «Геркулес». Мультпликационный сериал (США).
10.30 «Симпсоны». Мультпликационная серия (США).
12.05 Без тормозов.
12.40 Проверено на себе.
13.50 Военная тайна.
14.30 «ПОДКИДНОЙ». Телесериал. 1-я и 2-я серии.
17.00 «Подниматель пингвинов». Концерт М. Задорнова.
20.00 «ЗОЛУШКА В САПОГАХ». Телесериал.
21.25 «Кино»: Стив Мартин, Клер Дэйнс, Джейсон Шварцман в комедийной мелодраме «ПРОДАВЩИЦА» (США - Англия).
23.50 «Кино»: Джеки Чан в комедийном боевике «ПОЛИЦЕЙСКАЯ ИСТОРИЯ» (Гонконг).
1.55 «Эвакуация». Документальный фильм.
2.40 «Кино»: Сара Поли, Стивен Ри в мелодраме «ГВИНЕВЕРА» (США).
4.20 Ночной музыкальный канал.
5.10 «Дикая планета»: «Страна тигров». Документальный фильм (Англия).

СЕШАНБА, 9

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «O'zbektelefilm» намоиши: «Са-воб».
9.15 Эски альбом.
9.20 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телесериал.
10.25 «Хотира майдони».
10.45 «Ишқ эртаги».
11.20 «Ўзбекино» такдим этади: «Умиримиз боқийдир, умримиз боқий».
11.55 Олтин мерос.
12.05 «Яхшилар ёди».
12.30 «Муҳаббат моҳароси». Бадий фильм.
13.50 Эски альбом.
13.55 «Умр дафтари». Ўзбекистон

Қаҳрамони Машариф Қувқов. 2-қисм.
14.15 Ватан ҳақида кўшиқлар.
14.30 «Йиллар армони».
15.20 «Ой бориб, омон қайт». Бадий фильм.
16.35 Эски альбом.
16.40 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
17.00 «Ахборот».
17.20 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» хазинасидан.
18.05 «Оханглар оғушида».
18.15 «Умр дафтари». Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувқов. 3-қисм.
18.35 Эски альбом.
18.40 Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 7-қисм.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги».
21.00 «Ахборот».
21.35 Эски альбом.
21.40 Хотира майдонидан репортаж.
22.20 «Жангчиға соғва». Бадий фильм.

YOSHLAR

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Давринг боласи.
8.10 Шум болалар.
8.20 Ракурс.
8.35 «Солдат отаси». Бадий фильм.
10.00 Давр.
10.10 «Афсона ва ҳақиқат».
11.00 «Насриддиннинг саргузаштлари». Бадий фильм.
12.25 Хотира ва кадрлаш кунни: «Такдир».
SPORT-TV

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодроое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида)
9.10 «Непутёвые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.20 Воскресный «Ералаш».
11.00 Кувноқ стартлар.
11.40 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.00 Движение жизнь.
12.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
«Навбахор»-«Нефтчи».
«Насаф»-«Андижон».
13.45 «Проф-РИНГ».
14.35«Кўнгилга йўл».
18.00 «Умид ниҳоллари - 2006». Спорт мусобақалари якунлари ҳақида.
18.20 Мультфильм.
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Дув - дув гап». Телешоу.
21.30 «Талкин».
22.00 «Ровесник».
22.20 Худ. фильм «Анна и Король».

30-Й КАНАЛ

9.05 «Телехамкор».
9.20 «Детский час», мультсериал
9.50 Мультфильмы
11.00 «Телехамкор».
11.15 Х/ф «Алиса в стране чудес»
12.45 «Мусиқий табассум»
13.00 «Теле-экспромт», передача о кино
13.20 «Хит-парад плюс».
14.20 «Шоу-бизнес янгиликлари».
14.50 «Болалар соати»
15.20 «Аёллар орзуи»
15.50 «До-Ми-Соль шоу», детский музыкальный конкурс
16.45 «Телехамкор».
17.00 Х/ф«Робинзон Крузо»
18.25 «Мусиқий лаҳзалар»
18.40 «Сугдиёна», мунис аёллар кўрсатуви
19.00 «Телехамкор».
19.15 «Ошиқона».
20.00 «30-кадр» развлекательная передача
20.30 «Мусиқий табассум»
21.00 «Яқшанба оқшомида»
21.45 «Мусиқий табассум»
22.10 Х/ф «Люди в чёрном 2»

ПЕРВЫЙ

5.00, 9.00, 11.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой».
5.40 Фильм «Женщина-мушкетер».
7.20 Армейский магазин
7.50 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
8.20 «Умницы и умники»
9.10 «Непутёвые заметки»
9.30 Пока все дома
10.20 Воскресный «Ералаш»
11.10 Мультпроект «Гора самоцветов»
11.20 Живой мир. «Жизнь под ногами»
12.20 «Кумиры».
13.00 «Империия»
14.00 «Новые песни о главном - 2006»
15.00 Футбол. Чемпионат России. IX тур. ФК «Москва» - ЦСКА. Прямой эфир
17.00 Время
17.50 «Роман со звездой». Док. фильм
19.00 «Кто хочет стать миллионером?»
20.00 Воскресное «Время»
20.45 Фильм «Халк»
23.20 Бокс. Антонио Маргарито - Мануэль Гомес. Монни Пакиао - Гектор Веласкес
23.50 Суперчеловек. «Тайны черной смерти»
00.50 Детектив «Гений и злодейство»
02.40 Сериал «Убойный отдел»
03.20 «Правда о вулканах». Док. фильм

РОССИЯ

4.45 Фильм «Коллеги».
6.25 «Здоровье».
6.35 «Сельский час».
7.00, 10.00, 13.00 Вести.
7.10, 10.10 Местное время. Вести-Москва.
7.20 «Русское лото».
7.30 «Тараканище». Мультфильм.
7.50 Комедия «Отцы и деды».
9.30 «Утренняя почта».
10.20 «Городок». Дўйджест.
10.55 «Сам себе режиссер».
11.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12.15 «Бомба для певца. Владимир Мигуля».
13.20 «Фитиль №86».
14.05 «Великолепная восьмерка».
14.50 «В Городке».
15.00 Детектив «Игра всерьез».
17.05 «Смеяться разрешается».
19.00 «Вести недели с Сергеем Брилевым».
20.00 «Специальный корреспондент».
20.25 Дмитрий Певцов в фильме «Полса».
22.45 «Национальный интерес».
23.35 Бриджет Фонда в боевике «Почелуй дракона»
01.40 Сериал «Прочная сеть-2»

02.30 Канал «Евроньюс»

ТВ-3

7.30 Жизнь полная радости.
8.00, 8.30, 8.45, 9.30, 9.45, 10.00, 10.30 Русские мультфильмы.
11.00 Х/ф «Семнадцать мгновений весны». 1-я серия. Россия, 1973.
12.30 Х/ф «Семнадцать мгновений весны». 2-я серия. Россия, 1973.
14.00 Х/ф «Семнадцать мгновений весны». 3-я серия. Россия, 1973.
15.30 Х/ф «Семнадцать мгновений весны». 4-я серия. Россия, 1973.
17.00 курьер.
17.30 Х/ф «Пришелец из бездны». США, 1996.
19.00 «Осторожно, модерн!» 59-я серия.
19.30 «Осторожно, модерн!» 60-я серия.
20.00 Х/ф «Против хищника». США, 2004.
22.00 Х/ф «Исполнитель желаний-3». США - Канада, 2001.
0.00 Х/ф «Исполнитель желаний-4».
2.00 Х/ф «Убийца с топором». США, 2003.
4.00 Сериал «Мутанты икс». 10-я серия.

СТС

7.30 Жизнь полная радости.
8.00 Русские мультфильмы.
8.30 Русские мультфильмы.
9.00 Русские мультфильмы.
9.30 Русские мультфильмы.
9.45 Русские мультфильмы.
10.00 Художественный фильм «ВЕЗУЧИЙ ПЕС». США, 1998.
12.00 Художественный фильм «СОБАКА НА СЕНЕ». 1-я и 2-я серии. Россия, 1977.
14.30 «Курьер». 24-я серия.
15.00 Художественный фильм «ПРОФЕСИОНАЛ». Франция, 1981.
17.15 Художественный фильм «ПАДШИЙ АНГЕЛ». США, 2005.
19.00 «Осторожно, модерн!» 2-я серия.
19.30 «Осторожно, модерн!» 3-я серия.
20.00 Художественный фильм «ЗАРЯЖЕННЫЕ СМЕРТЬЮ». Россия, 1992.
21.45 Художественный фильм «БЕЗ ВЕСТИ ПРОПАВШИЕ». США, 1984.
23.45 Художественный фильм «ВОЗВРАЩЕНИЕ ДЖЕКА-ПОТРОШИТЕЛЯ». США, 2001.
2.00 Художественный фильм «ПАУКИ». США, 1999.
4.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС». 11-я серия.

НТВ

4.25 Фильм «Земное ядро. Бросок в преисподнюю»
6.30 «Сказки Баженова»
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня»
7.15 «Растительная жизнь».
7.50 «Их нравы»
8.25 «Едим дома!»
9.15 «Тор геар»
9.55 «Цена удачи»
10.50 «Счастливей рейс»
12.20 «Стихия»
13.00 Фильм «Золотой век»
15.20 «Один день. Новая версия»
15.55 «Своя игра»
16.55 Сериал «Марш Турецкого»
18.35 Стивен Сигал в боевике «Смерти вопреки»
20.40 Кирилл Малов в фильме «Займемся любовью»
22.30 Сериал «Зона»
00.30 «Журнал Лиги чемпионов»
01.05 Детектив «Мизери»
03.05 Мелани Гриффит в детективе «Подставное тело» 8.00 «Дикая планета»: «Запретный плод». Документальный фильм. (Англия).

REN-TV

8.00 «Дикая планета»: «Большие рыжие кенгуру». Документальный фильм (Англия).
9.00 «Дуг». Мультпликационный сериал (США).
9.25 «Jetix» на REN TV: «Близняшки-пятерняшки». Мультпликационный сериал (США).
9.50 «Геркулес». Мультпликационный сериал (США).
10.15 «Симпсоны». Мультпликационная серия (США).
11.15 Без тормозов.
11.45 «Неделя» с Марианной Максимовской.
13.05 Военная тайна.
13.45 «Кино»: Риз Уизерспун в молодежной комедии «БЛОНДИНКА В ЗАКОНЕ» (США).
16.00 «Формула-1»: «Обратный отсчет».
16.45 «Формула-1». Гонка. Прямая трансляция из Испании.
18.45 «Формула-1»: Лучшие моменты.
19.30 «Невероятные истории» с Иваном Дыховичным.
21.00 «День Домино».
23.10 «Эволюция человека». Документальный фильм (США). Часть 2-я.
0.10 «Кино»: Венсан Перес, Томас Кречманн в фантастическом триллере «НОВЫЙ ФРАНКЕНШТЕЙН» (США).
2.15 «Кино»: Марисса Рибиси, Джульетт Льюис в комедии «КОЕ-ЧТО О ДЕВУШКАХ» (США).
4.05 Ночной музыкальный канал.
5.10 «Дикая планета»: «Большие рыжие кенгуру». Документальный фильм (Англия).

Ишбилармон — элга дармон

ОРЗУЛАРИ БИР ДУНЁ АЁЛ

Гоҳо ўз-ўзимга ҳисоб беришга одатланганман. Шундай кезларда юрагимдаги Солиҳани қийин қистовга ола бошлайман. «Қани, айт, — дейман унга. Бугунни қандай узатиб, эртани қай мақсад билан қарши оляпсан? Тадбиркорлигинг хотин-қизларга нечоғли фойда бера-япти? Улар қасб-хунар ўрганиб, турмушларида енгиллик сезяптиларми? Раҳбарлик масъулияти ва оналик бурчи эсингдан чиқиб қолмаяптими?» Уларга жавоб беролсам, кўнглим таскин топади.

«Ифатли келин» ўқув-марказимиз иш бошлаганига тўрт йилдан ошди. Дастлаб Тошкентда беш нафар синглимни қаторимга олиб, ўз касбини пухта биладиган мутахассисларни таклиф қилдик. Уй меҳнатини ташкил этиш ҳисобига қўшимча иш жойларини яратиш зарур эди. Шунингдек, қизларни турмушга тайёрлаш, уларга хунар ўргатиб, ҳаётга йўналтиришни ҳам мақсад қилдик. Вилоятлардан хотин-қизлар қизиқиб келишди. Ёшларнинг имконият ва талабларини ҳисобга олиш керак экан. Яъни ўқув-марказининг шоҳобчаларини очишга жазм айладик. Ўтган йили Андижон шаҳрида ҳам бу ишни йўлга қўйдик.

Мана, ҳадемай марказ томонидан андижонлик хотин-қизларга қандолатчилик, соч пардоз, косметология, каштачилик тўқиш, «Элита» усулида пардалар, эркаклар костюм-шимини тикиш ва шу каби 20 хил йўналишда қасб-хунарларни эгаллаганликлари тўғрисидаги дипломлар топширилади. Бундан ташқари, ёшлар компьютер сирларини ўрганиб, рус ва инглиз тиллари курсларида ҳам таҳсил оляптилар.

Донишмандлардан бири «Кўнглинг гаш бўлса, меҳнат қил, бу ундан қутулишинг ягона воситасидир. Изтиробга тушмаслик учун ишла: ишдан бошқа ҳеч нарса ғамнок бўлиш-ликдан халос эта олмайди. Омадинг юришганда ҳам ишлай-вер, димоғдор бўлишинг олдини олишда ҳам шундан зўрроқ дори-дармон йўқ» деган экан. Қаерда бўлмай, муниса аёлларимиз ифатли келинлар-у дилором қизларимизнинг дард-ташвиши, қувончи билан юраман. Уларнинг бугуни, эртаси учун куч-гайратимни сарфлашга ҳаракат қиламан. Чет эл тадбиркорлари билан фикр алмашиш ниятида Италия, Австрия, Германияга қилган сафарларимиз натижаси иш кўламимизни кенгайтириш ва янги режалар тузишга ундади. Эндиги мақсадимиз қўшма корхона очиш, иш ўринларини кўпайтиришдан иборат. Изланишдан толмаймиз. Бу янги лойиҳаларни юзага чиқаришда туртки бўлади, албатта.

Солиҳа ЮСУПОВА,
«Ифатли келин» ўқув-маркази раҳбари

ХОТИРЛАБ, ҚАДРЛАБ ЯШАЙЛИК, ДЎСТЛАР...

Томчи қадрин билар саҳро кезганлар,
Ватан қадрин билар қадам узганлар,
Ор билмас бировнинг тинчин бузганлар,
Ҳор бўлмай уруш деб режа тузганлар,
Ўтганларни хотирлаб яшайлик, дўстлар.
Ким ҳаёт, қадрлаб яшайлик, дўстлар.

Тинчлик замонада яшаб юрибмиз,
Мустақил бу юртда даврон суриб биз,
Яхшилар ёдини эслаб турибмиз,
Рухини шод этиб майдон қуриб биз,
Ўтганларни хотирлаб яшайлик, дўстлар.
Ким ҳаёт, қадрлаб яшайлик, дўстлар.

Йиллар ўтаверар, ўтар асрлар,
Бузилар, қурилар қанча қасрлар,
Мангудир унутманг номи асллар,
Мадҳ этар, бор экан тоза насллар,
Ўтганларни хотирлаб яшайлик, дўстлар,
Ким ҳаёт, қадрлаб яшайлик, дўстлар.

Равшанбек МЎРЗАОЛИМОВ,
Норин тумани

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ



Миннатдорлик

Мирзачўл туманидаги «Гагарин маъданли сув» санаторийси ҳақида илгари ҳам кўп бор эшитганмиз. Гапнинг рости, шу жойга йўлланма беришса, одамлар бориш-бормаслигини ўйлаб қолишарди. Негаки, баъзилар шарт-шароитлар ночор эканлигидан нолишарди.

**МАРКАЗДАГИДАН
ҚОЛИШМАЙДИ**

Халқимизда минг бор эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деган гап бор. Таваккал қилиб шу сихатгоҳга оилавий йўлланма олиш учун тегишли ташкилотга борганимизда бизни бир нарса ҳайрон қолдирди: аниқроғи йўлланмаларни топишнинг ўзи бўлмади. Кейинроқ эса бунинг сабабини билдик. Санаторийда кишилар саломатлигини тиклаш учун барча қулайликлар яратилган ва мутахассислар билан тўлиқ таъминланган.

Шунингдек, ташхис ускуналари, зарур аппаратуралар жаҳон талабларига мослиги билан кишини лол қолдиради. Энг муҳими, ўн йилдан буён бизни қийнаб келаётган дардга даво топиш учун қаерларга бормагандик. 16 кунда шу ерда даво топиб, тузалиб кетдик. Бунинг учун қишлоқ меҳнаткашларига шундай шароитлар яратган ҳукуматимиздан ва бу жойда хизмат қилаётган шифокорлардан миннатдоримиз. Вилоятимизда яна битта ана шундай сихатгоҳнинг фаолият юритаётгани одамлар дилидаги иш бўлганига шубҳа йўқ.

**А.МУСТОФОҚУЛОВ,
Н.МУСТОФОҚУЛОВА,**
Зомин туманидаги
Булоқбоши маҳалласи
фуқаролари

Муносабат

нафақаларининг маълум бир белгиланган фоизи жамғуриб бориладиган пенсия таъминоти дафтарчаларига ўтказилса. Асосий таклифим ишлагани хоҳлаган ходимга давлат томонидан нафақа берилиши шартмикин. Албатта булар фақат менинг шахсий фикрим, уни кимгадир сингдиришдан йироқман. Бироқ шахслар фикри баҳсларда мукамаллашади.

Саттор АВЕЗОВ,
Олот тумани АБМК
бошқармаси ходимлар
бўлими ноziри

Мадатталаб мактуб

рига учрасак, «туман электро-энергиядан қарздор...» дейишяпти. Агар шу гап рост бўлса, нега марказда чироқ узлуксиз ўчмайди, ҳатто кундузи ҳам, деган ҳақли савол туғилмай-дими? Хуллас, ҳурматли таҳририят аъзолари, маҳалламиздаги ана шу муаммони барта-раф этишда бизга кўмаклашсангиз.

Турсунбой АШИРОВ,
Амударё туманидаги
Юқори қишлоқ маҳалла
фуқароси

Қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш тўғрисидаги ҳукумат қароридан амударёлик муаллим таъкидлаётган муаммолар сингари долзарб масалаларни ҳал этиб, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш беришга алоҳида эътибор қаратилган. Қорақалпоғистондаги айрим мутасаддилар наҳотки бундан беҳабар қолишган бўлсалар?! Таҳририят тегишли маҳкамалардан бу масалага муносабат билдиришларини сўрайди.

Саҳифани Абдусами ҲАКБЕРДИЕВ тайёрлади

«Ишонч»га

жавоб берадилар

Таҳририятимизга Қарши шаҳри Ростағузар кўчаси, 21-уйда яшовчи фуқаро Рамиддин Хусанов шикоят хати йўллаб, 44 йилдан буён бир корхонада ишлашини, нафақада бўлишига қарамай, зиммасидаги вазифани тўлатуқис адо этиб келаётгани, лекин ҳеч бир сабабсиз маъмурият уни қонунга зид равишда ишдан бўшатганини айтиб, амалий ёрдам сўрагани. Масалага аниқлик киритиш мақсадида уни мутасадди ташкилотга юборгандик. Унга қуйидаги жавобни олдик:

**НОҚОНУНИЙ
БУЙРУҚ БЕКОР
ҚИЛИНДИ**

«Фуқаро Рамиддин Хусановнинг Қарши автошоҳбекатидан сабабсиз ишдан бўшатилгани тўғрисидаги аризаси автотранспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари тармоқ қасаба уюшма вакиллиги ҳамда бирлашма ҳуқуқшуноси томонидан атрофлича ўрганилиб, вазифасидан ноқонуний равишда озод этилганлиги аниқланди.

Қарши ҳўжалик ҳисобидаги автошоҳбекатлар бирлашмаси бошлиғи Х.Асадов номига Р.Хусановни вазифасидан бўшатиш ҳақидаги 59-сонли буйруқнинг бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 112, 275-моддалари талаби асосида унга мажбурий бекор юрган вақтлари учун ҳақ ундириб бериш тўғрисида тақдимнома киритилди.»

К.СИРОЖЕВ,
Қашқадарё вилоят
ҳоқимлиги котибияти
мудири

Жорий йил бошида шу сарлавҳа остида «Ишонч» газетасида чоп этилган мақоланинг мазмун-моҳияти бу борада жиддий ўйлаш кераклигини тақозо этади. Шунинг учун мен ҳам айрим фикрларни газетхон билан ўртоқлашмоқчиман.

**«НАФАҚАГА ҚАЧОН, НЕЧА
ЁШДА ЧИҚМОҚЧИСИЗ?»**

Яъни мақолада нафақа белгиланиши ёки нафақага чиқиш Япония давлати мисолида келтирилган. Бу жуда маъқул. Сир эмас, 60 ёшга киргандан сўнг, кўпгина қасб эгалари бажараётган ишига лаёқатсиз бўлиб қолади. Меҳнат Кодексининг 192-моддаси 3-қисмида ҳам «60 ёшга тўлган эркаклар ва 55 ёшдаги

аёллар» меҳнатга қобилиятсизлиги қайд этилган.

Ўзингиз тасаввур қилинг: 60 ёшга тўлган киши дастгоҳ ёнида туриб саккиз соат қандай ишлайди. Ёки бульдозерчи, экскаваторчи, дурадгор ҳамда гишт терувчининг ҳам меҳнати бундан мустасно эмас. Мана шундай ходимлар айрим ҳолларда иш жой-

— Йўқ-йўқ. Нима йўқ! Со-моннинг устун, ҳовузнинг қопқоғи ва яна... Амударё туманидаги Юқори қишлоқ маҳалласида электр чироғи йўқ.

— Қўйсангизчи, ахир ҳозир ундай пайтлар ўтиб кетган-ку. Ишонмайсиз, шунинг учунда, кимга айтсак ҳам келиб кўришмайди, аҳволимизни ўрганиб, сўнг хулоса чиқаришмайди...

— Маҳалламизда бир неча йилдирки, сурункасига электр чироғи соатлаб ўчиб туради. Аслини олганда одамлар ҳам бунга ўрганиб қолишган. Лекин биз кабиларга қийин. Чунки мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ўз-ўзидан ёшларга замон талаби асосида сабоқ бериш учун дарсликлар билан чекланиб қолмасдан қўшимча адабиётлар, матбуот ва бошқа манбалардан фойдаланишни касбимиз тақозо этади. Бироқ бу талабларни ўзлаштириб олиш учун кундузи вақт чегараланган: эртадан то кечгача мактабда бўламиз.

Демак, фақат кечаси мак-

табдан ажралган ҳолда бу юмушлар билан шуғулланиш мумкин. Афсуски, соат саккиз

**ЧИРОҒИМИЗ МУНТАЗАМ
ЁНАДИ-МИ?**

бўлди деганича чироқ ўчади. Шу билан ярим кечаси — ўн икки ёки бирларда ёнади. Хўш, шундай пайтда ўқитувчи ўзи дарсга тайёр бўлмай туриб, ўқувчидан ўтган мавзуларни қандай талаб этиши мумкин? Зиё аҳли бу муаммо бўйича бир неча бор тегишли мутасадди ташкилотларга ёзма ва оғзаки муурожаат этиб кўрдик, бироқ наф чиқмаяпти, ўн йилдан буён аҳвол ўша-ўша.

Шундай ташвишлар билан юрган кунларнинг бирида чироқ узлуксиз 24 соат ёниб турди. Хайрият, ташвишдан қутилдик, дея ўйласак, ўша куни маҳалламизда яшаб на-

... Бу инсонни илгари сирдан билардим. Тўғриси, у ерда, бу ерда кўришганимизда шунчаки салом-алиқдан нарига ўтмасдик. Лекин драматик асарларидан хабардор эдим. Менга ёқарди. Қачондир Машраб Бобоев билан ижодий ҳамкорлик қиламан, ҳеч бўлмаса, бирорта асарда рол ижро этаман, деган ҳаёлда юрардим. Худо ёрлақаб бу истагим амалга ошди.

ҚИШЛОҚ СОҒИНЧИ — ЮРТДОШЛАР МЕҲРИ

Машраб ака қишлоғи — Хартангни соғинарди, яхши кўрарди. Буни кўп пайқаганман, сезганман. Нимагадир баъзида кўзларидан «филтиллаган» ёш қалқирди... Йўқ, бу сира кўз шамоллаши ё чарчоқ таъсирида юзага келадиган ҳолат эмасди. Хуллас, нима бўлдию бир куни одатдагидек суратга олиш жараёнида сўрадим:

— Нимадандир таъсирландингизми, кўзларингиз ёшланибди...

ИСМИ БИЛАН ТУҒИЛГАН

бетакрор ижодкор

— Қишлоқни соғиндим, Боиржон, қишлоқни... Нима қилай, соғинсам ҳам баъзида тез-тез боришга имконият бўлмай қолади, деди у аллақандай шикаста овозда. — Баъзида она қишлоғим, она юртим деймиз. Биз ҳаммамиз — қишлоқдан чиққанмиз. Аммо қишлоқ учун нима қилаймиз? Нимага айримларимиз тез орада ўзгариб кетамиз? Табиийликдан, бегуборликдан, самимиятдан асар ҳам қолмайди. Оёғимиз ердан узилгандек бўлади. Бу яхши эмас...

Ўйланиб қолардим: барча шундай ўйлармикан ё бу фақат Машраб акага хосми?

Сериалда асар қаҳрамонларининг Ал-Бухорий зиёратига борган лавҳаси бор. Шунинг учун биз ўша зиёратгоҳ жойлашган Челақ туманига — Машраб аканинг она юртига боришимизга тўғри келди. Ўша ерда Машраб аканинг оддий одамларга яқинлигини кўрдик. Боришимиз билан пахтакор-деҳқон, ўқитувчи, хунарманд, қисқаси, ҳар тоифа одамлар Машраб Бобоевга парвона бўла бошлашди. Иложини топса, Машраб ака ҳам улар билан узоқ-узоқ суҳбат қилгиси, кўнгиллашгиси келарди. У ерда 3-4 кун қолишимизга тўғри келди. Суратга олишдаги мураккабликлар шунини тақазо этди. Лекин бирор кун, бирор бир пайтда кундалик-маиший муаммога дуч келганимиз йўқ. Бу эса Машраб акани нафақат оддий одамлар, ўша юрт раҳбарлари ҳам ҳурмат қилишидан, ардоқлашидан далолат берарди.

— Туғилган жойингда қадринг бўлмаса, қолгани бекор экан, —

дерди Машраб ака. — Мен барча шундай қадр топишини истайман. Бундан ортиқ саодат борми?

Юқорида Машраб Бобоевнинг қишлоқни севишини таъкидлагандим. Бу рост. Бунга ўзим гувоҳ бўлгандим. Челақ туманидаги суратга олиш жараёнида Машраб акани янада яқинроқдан кашф этгандек бўлдим. Хартанг қишлоғидаги учрашувлар, гапинг очиги, фалончининг бир пиёла чойи ё писмадончининг уйидаги зиёфатга биз «машҳур»лар турган гапки, пиёда бормасдик. Кўрк тўкиб машинадан тушишни яхши кўрардик. Балки бу табиий бир ҳолатдир. Лекин Машраб ака яёв кетарди. «Сизлар кетаверинглар, изларинг-

меҳнаткашлигига қойил қолгандик, ўшанда. Очиги, Машраб ака билан беаёв тортишган жойларимиз ҳам бўлган. Аммо суратга олиш жараёни тугаса ҳам бизнинг гурунгимиз тугамас эди. Қолгани у киши фаолият юритган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида, гоҳ бир пиёла чой атрофида кечарди. Машраб ака кўпинча кўнглидагини ичига сиғдирилмасди...

— Боиржон, дунёда шундай виждонли, орли, иймони бутун одамлар борки, уларни кўра билиш керак, — деган эди Машраб ака бир гурунгимизда. — Бу эса сиз билан бизнинг, ижод аҳлининг вазифасидир. Тўғри гап ҳам шу.

— Ўзбек Миллий драма театрида «Гурунг» номли асарингизни Баҳодир Йўлдошев сахналаштирган, жуда зўр. Зикир Муҳаммаджонов, Обид Юнусовлар ўйнаган. Шунда Обид Юнусов ўйнаган қаҳрамон «ичимда мина бор, портлайди» дейди...

— Э, укажон, бу портлаш ҳаммамизда кечади, — деди Машраб ака фикримни ана шу тариқа тўлдириб. — Буни кузатиш керак, ўзида кечирини ҳам керак — ижодкор... Яхшилик ва ёмонлик, дейсиз. Яхши одамлар бор, кўп, фақат уларни излаб топсангиз қани энди... Менимча, Ер шарини ана шу яхши, тоза одамлар ушлаб туради. Аксинча, ер парча-парча бўлиб кетса керак...


Бу Машраб аканинг охириги кўришганимизда айтганлари. Ҳар гал машрабтабиат Машраб акани эслаганимда, Абдуҳолик Абдураззоқовнинг «Машрабларни топмоқ осонмас» деб номланган шеъри ёдга келади:

*Машраб Бобоев ҳам оламдан кетди —
Шеърларга, кинога, балки ҳаётга сиғмасдан,
Ниҳоят интиҳосиз оламнинг бағрига етди.
Тоza, камтар бир зот эди ул аслида,
Жўмард эди дўстларининг суҳбат фаслида.
Унга бу дунёнинг қулочи етмади —
Машраб Бобоев бекорга бизларни ташлаб
кетмади,
Ёнингизда юрган инсон содда ва камтар,
Бир қарайсиз — асли Мажнун, Машраби баттар.*

*Эҳ, азизлар, Машрабларни топмоқ осонмас,
Машраби йўқ осмон билинг, сира осмонмас,
Деманг, дўстлар: йўқловимиз кўкка етмади, —
Машраб Бобоев бизларни ташлаб кетмади.
Шеър ўқиса, кино кўрса агар бу дунё
Дардқаш шоир қалбимиздан ўчмагай асло.*

Машраб акада катта дард бор эди. Ҳали кўп суҳбатларини олишим мумкин эди. Бундан эса афсусланаман...

Боир ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
артист



МАШРАБ БОБОЕВ БИЛАН «КЎНГИЛ КЎЧАЛАРИ»ДА

1995 йил эди чамамда. Бир куни телевидениедан чақириб қолишди. Хуллас, «Кўнгил кўчалари» сериали суратга олинаётган экан, унда Жавлон исмли йигит ролини ижро этишим керак. Аммо Жавлон ўзи ким, у ролни қандай ўйнайман? Сериалга режиссёрлик қилаётган қадрдон акамиз Маҳкам Муҳамедов билан Машраб Бобоев ўзларича маслаҳатлашиб туришарди. Машраб ака узун-узун кўрсаткич бармоқларини ҳавога силкиб ниманидир тушунтирарди. Маҳкам ака эса маъқуллагандек, тушундим дегандек иягини силкиб кўярди.


— Сиздаги образни ҳозир тушунтираман, — деди Машраб ака, ҳаёлимдагини ўқигандай. Кейин салмоқ билан таъкидлаган бўлди: Жавлон ўта босиқ, ўқимишли врач йигит... Қисқаси, бу менинг ўйлаганим-да, укам. Ҳалиги, «Оталар сўзи...» да бир рол ўйнагандиз-ку, ҳа, шоир йигит, ана шунақа рол бу, Боиржон...

Кўп драматургларни кўрганман. Айримлари қўл учиди «амаллаш»ни яхши кўради. Аммо Машраб ака булардан йироқ, бошқача экан. Жуда берилиб кетганидан, азбаройи чидай олмаганидан холли кафтига тўрт бармоғини букиб, кўрсаткич бармоғини силкитиб-силкитиб гапирар, нима демокчи эканлигини юзида ҳам ифода этарди. Кечагидек эсимда. Ўзига хос бетоқатроқ инсон эди.

дан етиб олам. Қишлоқни соғинганман, бир тўйиб-тўйиб нафас олай, ариқ сувларига мириқиб юз ювай» дерди. Биз «қишлоқ кўчалари чанг экан, уриниб қолмасмикансиз?» десак. Машраб ака «Майли-да, Хартангнинг ҳар бир гиёҳи сингари чангу ғубори ҳам мен учун ҳар қандай зийнатдан азиз» дерди жилмайиб.

«ГУРУНГ»ДАГИ ПОРТЛАШ

Сериални суратга олиш жараёни жуда мураккаб кечганди ўшанда. Нима бўлганда ҳам ҳар бир сюжетни суратга олиш Машраб акасиз кечмади. У киши шунини истарди. Биз ҳаммамиз бу инсоннинг



Мақола муаллифи Боир Холмирзаев
«Кўнгил кўчалари»да

Машраб БОБОЕВ ҚАЧОНЛАРДИР ЙЎҚОТГАНСАН, ЭНДИ МАНГУ ИЗЛАЙСАНУ ТОПОЛМАЙСАН, ТОПОЛМАЙСАН!

*Тонг отиб келмоқда.
Бу қутлуг айём
Бир маънос ўйларга гарқ бўлар киши.
У бир чақалоқдир - покиза ва хом,
Ўзинизга боғлиқ қандай ўсиши...*

*Тушларимга қирар бир чаман,
Яшнар унда фасли муҳаббат.
Шу чаманда мен ҳам етаман
Суйганимнинг васлига албат.*

*Тушларимга қирар бир гўша —
Бахтга тўла сирли бир олам.
Бахтим менга тутайди бўса,
Дудогидан ўпаман мен ҳам.*

*Тушларимга қирар бир гулхан,
Унда қулга айланар риё.
Унинг захри ва тутунидан
Қора чодир қияди само.*

*Тушларимга қирар бир уфқ,
Орзум бўлиб имлайди мени.
Инъомини қўлимга тутиб,
Пойим узра кўяр бошини.*

*Тушларимга қирар бир баҳор,
Минг бир рангда товланиб, ёниб.
Шу баҳорга чулғаниб ётар
Менинг она Ўзбекистоним...*

*Тушларим... гоҳ қилади хумор,
Тушларимни гоҳ соғинаман...
Тушларимга қиради баҳор...
Тушларимга қиради чаман...*

МУҲАББАТ

*Мана сенга бир пиёла май,
Уйқудан ҳам ширин, тотлироқ,
Ҳали туғилмаган бўсадай,
Атиргулнинг гунчасидай пок.*

*Бахт учун деб ол уни қўлга,
Бахт учун деб симири, қаламқош.
Авф эт, агар тахирроқ бўлса,
Томиб кетган бўлса томчи ёш...*

*Таманнолар ўша-ўша: хумор-хумор,
Бахтиёрлик тамғаси бор ол ёноқда.
Лаблардаги табассуминг қибор-қибор,
Лекин булар бари сохта, бари сохта!*

*Қаҳқаҳангдан дарз тушади самоларга,
Етти ётдай юрагингга андух, армон.
Туғилгансан гўё фақат адоларга...
Лекин булар бари ёлгон, бари ёлгон!*

*Биламан-ку, ҳолинг сенинг кўп афтода,
Биламан-ку, ҳар бир қулгинг неларга тенг!
Ёлгон агар бўлмасайди бу дунёда,
Тўйиб-тўйиб йиғлар эдинг, йиғлар эдинг!*

*Қаён юрма — йўлларингда тураман мен,
Ёнлаб ўтай дейсан — ёнлаб ўтолмайсан.
Тутиб олай дейсан — қўлинг етмас лекин,
Тутолмайсан, тутолмайсан, тутолмайсан!*

*Қачонлардан тақдирингда яшайман-ку,
Отай дейсан улоқтириб — отолмайсан.
Қачонлардир йўқотгансан, энди мангу
Излайсану тополмайсан, тополмайсан!*

*Гарчи сарқуш кўринсанг ҳам сохта бахтдан,
Кўзларингда чўкиб ётар буюк қайғу.
На йиғлайсан, на қуласан чин юракдан...
Муҳаббатнинг қасоси бу, қасоси бу!*

*Бардошинга ҳамду сано, олқиш сенинг,
Мардонавор етиб келдинг шу онгача.
Лекин ахир тугаши бор ҳар нарсанинг,
Чидаркинсан қачонгача, қачонгача!*

«ЎТГАНЛАР ЁДИ» МУАММОНОМАСИ

Аввало куйида таърифла-
ниб, рақамларда ифодалан-
ган сўзларни топиб, очкич-
ни ҳал этинг.

1. Шижоат, довураклиги билан шухрат қозонган, жасорат соҳиби бўлган киши — 10, 1,

21, 6, 1, 9, 4, 3

2. Илгари ўтган насл-насаб, ота-боболари — 1, 22, 5, 4, 5

3. Амалга оширилган хайр-ли, савобли иш — 13, 18, 15, 14, 8, 2, 19

4. Илгариги давр, кечмиш, мозий — 17, 16, 9, 2, 20

5. Аждодлардан авлодларга қолган бойлик — 9, 12, 6, 4, 7

6. Эркин Воҳидовнинг «Боқий хотира» шеърдан: «Ўйлайман, очилса ҳар йил навбахор.

Мовий кенгликларда алвон лолалар,

Булар лола эмас, мангулик-ка ёр

Лолага айланган аскар 11, 4, 8, 1, 8, 1, 6»

Энди очкич жавоб сўзлари асосида шаклдаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммонани ечинг. Бунда улардан Нормурод Нарзуллаев шеърдан тўрт мисра аён бўлади.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

ЭРКИНЛИК ВА ИНТИЗОМ ТЎҒРИСИДА

Халқ олий ҳокимиятдан фойдалана олган жамиятга эркинликнинг чинакам масканидир.

ЦИЦЕРОН

Эркинлик тилаган билан ўзи келмайди: эркинлик худоларнинг марҳамати эмас. У — халқнинг шундай бир фарзандики, кураш суронларида, ўлим машаққатларида туғилади, қон билан ювилади, ундан порох тутунини хиди анкиб туради.

Ф. НОРРИС

Миллат қанчалик ўсган бўлса, шахс мустақиллиги шу қадар тўла таъминланган ва айни пайтда бир шахс бошқасининг тажовузидан шу қадар ҳимояланган бўлади.

Д.И. ПИСАРЕВ

Одамнинг эркинликка интилиши бамисоли қозонга қамалган бугга ўхшайди: уни ҳаддан ташқари қисганлари сари хавfli бўла боради ва аксинча, агар унга равон, яхши машинадан тўғри йўл топиб берилса, манфаат ҳам келтиради.

В. ВЕЙТЛИНГ

Давлатда оқилона эркинликка катта йўл очилган бўлса, қонун кучли ва фуқароларнинг ўз бурчларини адо этишлари ҳам шу қадар кўламлидир, зеро, эркинлик гоёси билан чамбарчас келади ва у билан биргаликда кўпчилик бахт-саодатига интилиш бурчини туғдиради.

М.С.КУТОРГА

Халқнинг гайрати, ақли ва яхши фазилатларига йўл очиб берувчи эркинликнинг на қўллаб-қувватлаш керак.


У.ЧЭННИНГ

Ижтимоий эркинлик — барча учун одил ва тенг бўлган жамият қонунларига бошдан-охир оғишмай рия қилишдан бўлак нарса эмас.

К.БОТТА

Эркинлик, фақат қонун измида бўлишликдир.

В.ВОЛЬФ

→	2	3	7	4	3	0	10	1	5	6	2	0	1	6	5	4							
																10							
0	16	2	8	8	1	6	5	1	,	17	18	11	12	19		8							
3														0		1							
4		0	5	4	2	9	4	0	10	1	8	11		13		3							
16		3		0								2		8		1							
7		12																			2		6
4		7		0																	0		0
5		,		2																	9		5
0		1		6																	1		2
2		5		1	15	2	22	0	,	0	3	1		20		8							
9		6												21		8							
4		1	8	8	13	0	3	14	15	14	11	0	6	14		1							
3																6							
0	6	1	8	3	4	7	3	2	0	5	6	1	9	,	1	5							

Қадимги Чин ва Юнон мамлакатларида инсон феълини қошларга қараб ўрганишган экан. Нафақат қошлар, балки кўз, бурун, оғиз ва қулоқлар ҳам одам феъл-атворини очиб беришда кўп келган. Кенг ва узун қошлар характернинг мукамаллигидан дарак берган. Уларнинг шакли, ранги ва қалинлиги эҳтирос, ақл ҳамда феъл-атворнинг мутаносиблигини билдирса, қаттиқ ва дағал қошлар аксинча.

БУНГА ЭЪТИБОР ҚИЛГАНМИСИЗ?

Агар қалин қошларнинг учи юқорига кўтарилган бўлса, бундай кишилар очик кўнгил ва жасоратли бўлади. Улар ҳаётда катта ютуқларга эришадилар, қошларнинг учи пастга қараган кишилар жудаям уятчандирлар. Катта, лекин қалин қошлар жаҳлдорлик белгиси экан. Дағал қошлар «шайтон» характерига эгалик белгисидир. Эркаларнинг қоши қалин ва туташ бўлса бировдан устун келиш учун курашувчан эканлигини бирдираркан. Бундай қошли аёллар эса уй ишларига тезда киришиб кетолмайди. Яна шуниси борки, қошларнинг юқорида жойлашиши собитқадамликни билдирса, кўзга яқин бўлиши аксинчадир.

А.АЛИЕВ тайёрлади

Муштарий фикри

ТИНЧЛИККА НИМА ЕТСИН

«Мусичаи беозор», дейдилар, қушлардан бирига нисбат бериб. Таъбир жоиз бўлса, инсонпарварлик алифбоси беозорлигу меҳрибонликдан бошланади. Беозор одам бировга зигирча зиён етказмайди аксинча, атрофга меҳр улашади, инсон қадрига ҳамиятли бўлади.

Андижонга қўшни бўлган вилоятда яшаймиз. Ўтган йилги «Андижон воқеалари» бизнинг ҳам тинчлигимизни бузди, осойишталигимизни ўғирлади. Ахир бежиз «қўшнинг тинч — сен тинч» демайдилар. Бунда катта ҳикмат бор экан. Қолаверса, бу воқеа бутун мамлакатимиз ҳаловатига раҳна солди. Дунё диққатини жалб этди.

Дунё теварагида бўлаётган воқеалардан ҳар куни воқифмиз. Узоғу Яқин Шарқ ва Фарбдаги талофатлар, фавқулдда воқеалар ва табиий офатларни Худо кўрсатмасин! Айниқса, урушни!!! Устингиздан самолётлар айланаверса, ёнингиздан «визиллаб» ўқлар учиб ўтаверса, еган-ичганингиз татийдими? Кўрган кунингиз кун бўладими?! Ёш бўлсам ҳам булар тўғрисида жуда кўп ўйлайман.

Менда бир таклиф бор. Ўрта мактаблардан тортиб олий ўқув юртларга қадар «Тинчлик соатлари» жорий этилса. Шунда тинчликнинг қадрини янада теран англоларди, ҳис этиларди. Ахир тинчликка нима етсин...

Муҳайё Жўраева, талаба

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг № 1127-1 от 18.04.2005 г. Хасанов Зафар Уткирович раскрывает информацию о намерении приобрести 4848 штук простых именных акций АК "MATLUBOTSAVDO", Ташкентская обл., что составляет 24 % от уставного фонда. Адрес эмитента: г.Ташкент, ул.С.Барака, 76.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.05 г. Компания «Lions IT Systems Limited» раскрывает информацию о намерении приобрести 3117 штук акций простых именных ОАО «QURILISHMATERIALSANOATBUTLASH» OAJ, Тош. шаҳар что составляет 25,75% от уставного фонда. Адрес эмитента г.Ташкент, ул.Миракилова, 68 А

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг № 1127-1 от 18.04.2005 г. Юсупов Мухтар Мансурович раскрывает информацию о намерении приобрести 3838 штук простых именных акций АК "MATLUBOTSAVDO", Ташкентская обл., что составляет 19 % от уставного фонда. Адрес эмитента: г.Ташкент, ул. С.Барака, 76.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.05 г. Киргизбоев Алиджан Элчибаевич раскрывает информацию о намерении приобрести 6556 штук акций простых именных ОАО «Мебель», что составляет 25 от уставного фонда. Адрес эмитента: г.Ташкент, ул.Саади 6.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг № 1127-1 от 18.04.2005 г. Рахимбердиев Уткир Хасанович раскрывает информацию о намерении приобрести 5069 штук простых именных акций АК "MATLUBOTSAVDO", Ташкентская обл., что составляет 25,09 % от уставного фонда. Адрес эмитента: г.Ташкент, ул. С.Барака, 76.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг № 1127-1 от 18.04.2005 г. Компания "MONTEBELLO GROUP INC" (Вирджиния, США) раскрывает информацию о намерении приобрести 6060 штук простых именных акций АК "MATLUBOTSAVDO", Ташкентская обл., что составляет 30 % от уставного фонда. Адрес эмитента: г.Ташкент, ул. С.Барака, 76.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Наманган вилояти кенгаши вилоят кенгашининг молия бўлими мутахассиси Жамила Нозимовага волидаи муҳтарамаси **РАЗЗАХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Тошкент вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши Тошкент Давлат Аграр Университети касаба уюшма кўмитаси раиси, вилоят кенгаши раёсати аъзоси Оразмаммед Қаландаровга акаси **Маматназар ҚАЛАНДАРОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси Марказий поликлиникаси жамоаси Марказий поликлиника шифокори Нина Дмитриевага ўғли

Евгений ДМИТРЕЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

Элимизнинг таникли хушовоз, лирик хонандаси, ўзининг бетакрор овозию дилрабо кўшиқлари билан мухлислари қалбидан муносиб ўрин олган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Фуломжон Ёқубов Тошкентнинг Кўкча даҳасида таваллуд топган.



Ундаги санъатга бўлган ҳавас мактаб ўқувчилигидаёқ намоён бўлган эди. 40-ўрта мактабда ҳамда мусиқа мактабида рубоб мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Мусиқа раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фуломжон Кўчқоров унинг ёшлигини шундай хотирлайди:

— Тенгдошлари орасида ёш Фуломжон рубоб чалишга ихлосмандлиги, қолаверса, кўшиқ айтиш қобилияти ҳамда ширали овози билан ажралиб турарди. Мен унга келгусида катта санъаткор бўлиб етишиши мумкинлигини, бунинг учун тинимсиз ҳаракат қилиши кераклигини қайта-қайта таъкидлардим. Дастлаб у таникли санъаткор Фулом Абдураҳмоновнинг «Куйлайман» кўшигини қойилмақом этиб куйлаганида залдаги барча томошабин давомли қарсақлар билан олқишлаган эди. Ўрта мактабни тугатгач, бўлғувчи санъаткоримизни Ўзбек Давлат филармонияси ҳофизи Фаҳриддин Умаров хузурига олиб келдим. Фуломжонни ўзингизга шогирдликка олсангиз, зора сиз сингари таникли санъаткор бўлиб етишса ажаб эмас, деб илтимос қилдим. Мана шу воқеага ҳам қарийб қирқ йил бўлибди.

Ёш Фуломжон дастлаб, Фаҳриддин акага шогирд тушди. Устозининг кўшиқчилиги йўлларини эринмай ўзлаштириб олди. Шу давр мобайнида устоз ва шогирд Ўзбек Давлат филармонияси ашула ва рақс ансамбли — Наби Халилов, Isoхор Оқилов, Муҳаммаджон Мирзаев сингари таникли санъаткорлар билан бирга фаолият кўрсатишарди.

Ёш санъаткор билим ва малакасини, санъатнинг сеҳрли сир-синаотларини мукаммал ўзлаштириш мақсадида М.Уйғур номидаги Тошкент санъат институтининг мусиқали драма актёри факультетига ўқишга киради. Фуломжон бу олий даргоҳда Ўзбекистон халқ артистлари Шоҳида Маъзумова ва Саттор Ярашевлар қўлида таҳсил олади. Саҳнанинг нозик сирларидан воқиф бўлиб, катта маҳорат мактабини ўтади.

1973 йилда олий ўқув юрти муваффақиятли тугаллаган Фуломжон Юнус Ражабий номидаги Жиззах мусиқали драма театрига йўлланма олади. Дастлаб унга Ж.Жабборовнинг «Ўжарлар» спектаклидаги бош рол — Фаҳриддин образини ижро этишни топширишади.

Орадан бир йил ўтгач, Фуломжон оилавий ахволи сабабли яна қадрдон филармониясига вокал артисти сифатида ишга келади. Дастлаб, Фаҳриддин Умаров репертуаридаги «Гулдаста», «Онам дәрман», «Ўн саккизга кирмаган ким бор», «Эй муҳаббат», «Қалдирғоч», «Кетгайман» сингари лирик кўшиқларни куйлаб юрди. Шу даврда истеъдодли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Абдуҳошим Исмоилов билан яқиндан танишади. Кейинги 30 йил давомида у билан ижодий ҳамкорликда юзлаб кўшиқ-куйлар яратади. «Дилором», «Сен ўзинг», «Умр дафтари», «Гўзал», «Инсонни инсон урмасин», «Дарвозангни чертаман ёр», «Уланчи қиз», «Сувлар», «Гуллола», «Куйдираман» сингари мафтункор кўшиқлари мухлислари қалбидан жой олди.

Бугун элимизнинг севимли санъаткори

Фуломжон Ёқубов тахририятимиз меҳмони. Ўқувчиларимизни яқиндан таништириш мақсадида у кишини суҳбатга тортамыз.

— Санъаткор сифатида қайси ҳофизларнинг кўшиқларини ёқтирасиз?

— Биласизми, барча санъаткорларнинг ижодини ҳурмат қиламан. Мумтоз кўшиқчиларимиз Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Орифхон Хотамов, Фаттоҳхон Мамадалиевлар яратган, ҳалигача халқимиз орасида севиб куйлаб келинаётган, юракни ўртвчи кўшиқларни мириқиб эшитаман. Таникли хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов ижросидаги дилрабо кўшиқлар мени ўзига мафтун этади.

— Қайси шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқдасиз?

— Мухлисларимнинг кўпчилиги билади, ўттиз йилдан буён Пўлат Мўмин, Эркин Воҳидов, Назармат, Нормурод Нарзуллаев, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Омон Матчон, Иброҳим Жиянов, Садойи каби эл суйган ижодкорлар билан ҳамкорликда қатор кўшиқлар яратдим. Ҳар бир янги кўшиқни

Сиз кутган учрашув

маъно бор, на мусиқасида. Битта-иккита кўшиқ айтиб, «юлдуз» бўлган кимсаларга ҳайрон қоласан. Ўзбек миллий эстрадасига асос солган бетакрор, беназир кўшиқчимиз, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировни унда ким деб аташимиз керак!?

Ҳар замонда телевидение ёки радио орқали мана шундай ёшларнинг тутриқсиз, бемаза кўшиқларини эшитиб қоламан. Буни умуман кўшиқ деб бўлмайди. Қани бизнинг миллий кўшиқчилигимиз! Қани «Устоз ва шогирд» аъналаримиз!

Аваллари телевидение, радио қошида бадиий кенгаш мавжуд эди. Шундай кенгаш ҳайъати яна ишга тушса «юлдуз»ларнинг тўқсон фоизи бошқа иш билан шуғулланган бўлишарди. Менинг назаримда «Ўзбекнаво» қошида мана шундай бадиий кенгаш тузиш керак. Улар қаттиқроқ туриб, кўшиқчилар ижодини ўрганиб, кейин лицензия беришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Ёш хонандалар орасида айнан сизга манзур бўладиганлари борми?

— Ҳозирги кунда ўзининг санъати, маҳорати билан мухлислари олқишига сазовор бўлиб келаётган ёш хонандалар Гулсанам

«ДИЛОРОМ» ЎЗИМГА ҲАМ ЁҚАДИ

яратишимда бу ижодкорларнинг ҳиссаси катта бўлган. Жумладан, «Дилором» лирик кўшиғим шоир Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб (Оллоҳ раҳмат қилсин!) ва бастакор Алишер Расуловнинг ижод маҳсули бўлган.

— Кўшиқларингизга ўзингиз куй басталайсизми?

— Ижодимда бундай ҳолатлар ҳам бўлган. Асосан, кўшиқларим, таникли бастакорлар

Мамазоитова ҳамда Озодбек Назарбековларнинг миллийликни йўқотмаган ҳолда ижод қилаётганликлари мени, албатта, қувонтиради.

— Ўз ўрнида шогирдларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз, шу билан бирга устоз-шогирдликка муносабатингиз?

— Биласизми, шу давр ичида кўплаб хонанда-созанда укалар билан ҳамкорликда



Фуломжон Ёқубов шогирди Моҳира Асадова билан

Алишер Расулов, Анвар Эргашевлар билан ҳамкорликда яратилади.

— Фонограммага муносабатингиз?

— Биласизми, ҳозир сиз ҳам фонограммалардан фойдаланиб, ашула айтишингиз мумкин. Айниқса ёшлар ўртасида фонограммалардан фойдаланиш кучаймоқда. Хоҳ катта концерт бўлсин, хоҳ тўйда. Бир тўйга борсам чироқ ўчиб қолган, ҳамма ёқ сув қуйгандай. Тўйга келган санъаткорлар ашула айтмай ўтирибди. Шунда гуруҳимиз билан бир соатча ўртага тушиб, тўйга келганларни кўшиғу лапарлар билан хушнуд этганимизда: бор экансизлару, микрофонсиз, фонограммасиз ҳам айтса бўларкан-ку, дейишганди.

— Ёш эстрада хонандаларига муносабатингиз?

— Ҳозирги кунда ёш эстрада хонандалари кўпайиб кетган. Уларнинг кўпчилигини танимайман. Айрим оммавий ахборот воситалари уларни «юлдуз» деб ҳам аташмоқда. Кўшиқларини эшитсангиз на матнида

ёнма-ён туриб ижод қилдик. Уларнинг барини шогирдларим дейишим мумкин. Ҳали устозлик даражасига етмадим, шекилли.

— Кўшиқчи Фуломжон Ёқубовнинг ҳаётда қандай армонлари бор?

— Ҳаётда армонсиз кишининг ўзи бўлмас керак. Ҳар бир инсон эришмаган чўққиларга эришишни, ушалмаган орзулари ушалишини истайди. Мен ҳам келгусида бундан яхши дастурлар, янги-янги кўшиқлар яратиш халқимизни, мухлисларимни хушнуд эта олсам ўзимни бахтиёр ҳис қилардим.

— «Ишонч» газетаси мухлисларига тилақларингиз...

— Газета орқали барча мухлисларимга, қолаверса, «Ишонч» газетаси жамоаси унинг ўқувчиларига сиҳат-саломатлик, бахту саодат, бошлари тўйдан чиқмаслигини тилаб қоламан. Уларнинг яхши кунларида хизмат қилиш бизга ҳам насиб этсин.

Суҳбатдош:
Раҳимжон ОРИПОВ

8-14 майгача
МЎНАЖЖИМАЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ. Ҳафта бошида учрашув ва сафарга чиқишни режалаштиришингиз мумкин. Маҳоратингиз келгуси ишларингиздаги ютуқлар гарови бўлиши учун фикрингизни бир жойга жамланг. Ҳар қандай рўёларга ишонманг.

БУЗОҚ. Анчадан бери учрашмаган ҳамкор ва дўстларингиз билан алоқангизни мустаҳкамланг. Чунки уларнинг кўнгли ўқиб қолиши мумкин. Дам олиш куни соғлигингизга эътибор беринг.

ЭГИЗАКЛАР. Душанба куни сизга ҳамкорларингиздан бири иш таклиф қилади. Етти марта ўлчаб бир кес, деган мақолга амал қилинг. Акс ҳолда бундан зарар кўришингиз мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА. Биродарларингиз маслаҳатига қулоқ солинг. Ишда тажриба ва маҳоратингизни кўрсатинг. Катталар билан муносабатингизни тикланг. Якшанба куни ҳомий ёки яқинларингиздан бири қизиқарли ҳамда фойдали иш таклиф этишади.

АРСЛОН. Сизни ишдаги жиддий ўзгаришлар кутмоқда. Рақибингизга сир бой бермаслик учун шартнома ва учрашувларни қолдиринг. Дам олиш куни маданий хордиқ чиқаринг.

ПАЗИЗОД. Ушбу ҳафта янги йўналишда иш бошлашингиз мумкин. Сиздан фақат меҳнат талаб қилинади. Раҳбарлар билан муносабатда бўлганда эҳтиёт бўлинг. Панд бериб қўйишингиз мумкин.

ТАРОЗИ. Ҳафта давомида хом хаёлларга ишониб алданиб қолишингиз мумкин. Ҳар қандай ишда ақлингизга таяниб иш кўринг. Аччиқ меҳнат самарасида муваффақиятларга эришмоқдасиз. Бунда яқинларингиз ҳиссаси ҳам борлигини унутманг. Акс ҳолда ёлғизланиб қоласиз.

ЧАЁН. Тушкунликка тушманг. Сизни омад кутмоқда. Асабингизни эҳтиёт қилинг. Дам олиш куни ёру биродарлар даврасида бўлинг.

ЎҚОТАР. Ушбу ҳафта кўтаринки руҳ ва яхши кайфият сизни тарқ этмайди. Оила аъзоларингиз маслаҳат сўраб келишса, ёрдамингизни аяманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафтанинг биринчи ярми сиз учун ташвишли бўлиши мумкин. Ҳеч ким билан тортишманг. Ҳафтанинг охирида маданий рағбат оласиз.

ҚОВҒА. Ақлий меҳнатдан анча толиққансиз. Ҳеч қандай янги ишга қўл урманг. Асабингизга дам беринг. Ҳаракатларингиз зое кетмайди. Яқинларингиз таклиф қилган ишни қабул қилинг. Бу сиз учун фойдалироқдир.

БАЛИҚ. Ушбу ҳафта ўзбошимчалигингиз оқибатида моддий зарар кўрасиз. Дам олиш куни дўст-биродарларингиз билан маданий хордиқ чиқаринг. Ҳатоларни бартараф этиш учун келгуси ишларни режалаштиринг.

ISHONCH

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
ҲАМКАРЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Мақолима: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Тиражи: 15164

Буюртма Г— 714

«Шарқ» нашриёт—матбав акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.